БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!


ЁШ ЛЕНИНЧИ

Газета 1925 йил 8 февралдан чиқа бошлаган

1990 йил 25 апрель Чоршанба

№ 79 (13.515). Баҳоси 3 тийин.

• ЎЗБЕКИСТОН ЛКСМ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ОРГАНИ •



Зуҳриддин Лутфуллаевни Марғилон шаҳридаги трактор ремонти заводи ёшлари ҳурмат қилишади. Ҳамкасбларининг бундай ишончига у осонликча эришгани йўқ. Мактабни тамомлаган йилиёқ ушбу корхонага ишга кирган ёш йигит, мана бир неча йилдирки, ҳалол меҳнат қилмоқда. Жамоат ишларидаги фаоллиги ҳам бундан мустасно эмас. Зуҳриддин ҳарбийга ҳам шу ердан жўнаганди. Ундан кейин ҳам қадрдон корхонасига қайтди. Ўтган комсомол ҳисобот-сайлов йиғилишида уни ҳамкасблари завод комсомол қўмитаси котибининг ўринбосарлигига сайлашди.

СУРАТДА: ёш токарь, комсомол аъзоси З. Лутфуллаев.

Ш. МИРЗАКАРИМОВ суратга олган.

Иқтисодий ислоҳот: хўжалик ҳисоби амалда

Маржонбулоқ чеварлари

Маржонбулоқ тикув-трикотаж фабрикаси бундан тўрт йил бурун Партия XXV съезди номли Жиззах трикотаж фабрикаси филиали сифатида иш бошлаганди. Натижада Ғаллаоролда, Қўйтошда, Гагарин посёлкасида, узоқ-яқин қишлоқларда ишсизликдан бекор юрган хотин-қизлар ишга тортилди.

Тўғри, бошда бирмунча қийин бўлди. Аммо аёлларнинг тиришқоқлиги, интилувчанлиги, ишга чанқоқлиги оқибатида ишлар олға силжиб кетди.

Ҳозир фабрика мустақил равишда тўла хўжалик ҳисобида ишламоқда. Бу эса ўз-ўзидан раҳбардан тортиб, оддий бичиқчигача масъулиятлиликни талаб қилади. Қачонки бичиқчи ишлаш жараёнидаги бичиқ машинасидан тортиб, ўлчагичгача ўзиники деб билса, ана шунинг ўзи масъулиятдир. Чунки, бичиқчи машинасини нечоғлик авайлаб-асраса, у кўпроқ ва яхшироқ ишлайди. Бу ўз навбатида бичиқчининг моддий манфаатдорлигини оширади, киссаси пул кўргандек, болаларининг қорни тўйгандек бўлади. Қолаверса, ишлаб чиқариш қонуни: «бирники мингга, мингники туманга». Яқинда фабрикада бир қизни ишдан бўшатдилар. Бир айтдилар, икки эслатдилар, уч огоҳлантирдилар, бўлмагач бригада кенгашининг қарорига кўра паттасини қўлига тутқазишга мажбур бўлдилар. Ахир кимга ёқади, бир кишининг дангасалиги туфайли ҳадеб ярим маошдан воз кечиб, болалари ризқини қияверишга.

Биз ҳам фабрика ҳаёти билан танишишни бичиқчилик цехидан бошладик. Цехнинг ҳавоси тоза, зал ниҳоятда ёруғ, шовқин камайтиргич ва чанг ютгичлар меъёрида ишлаб турибди.

Бригадир Гулсора Абдусатторова ишнинг бошида турган экан. Бир-биридан қўҳлик попукдек икки-уч қиз абжирлик билан газламаларни тахлар, қолганлар болалар шортисининг бичилган қисми сарагини саракка ажратар, бичиқчи Раҳматилла Абдусатторовнинг қўли-қўлига тегмасди. «ИР-6» бичиш машинаси бир маромда ишлар, қизлар ҳаммасига бемалол улгуришарди.

— Мен бичиш сирларини, машина тилини Ойсара Ҳасановадан ўргандим, — дейди Раҳматилла. — Ҳозир ўз ишимни бемалол уддалайман.

Уста Соибжон Кураков эса ҳамиша ўзининг ишга виждонан ёндошиши билан цехдагиларини мамнун этади.

Машина биқинига тўшалган мато устига тахлам-тахлам қийқимлар тушади. Бу қийқимлар ўз вақтида килосига ўн тийиндан бошқа фабрикага айирбошланади. Бу цех ишчилари тажрибалари ҳамда газламани нечоғлик иқтисод қила билишларига қараб маош оладилар. Бу гоҳида 250-280 сўмни ташкил этса, масъулиятсизлик қилинган ойдаёқ мутлақо пасайиб кетади.

Ишчиларнинг хилма-хил кийинганларига разм солганимни сезган цех бошлиғи Исмат Очилов:

— Россиядаги ширкатчилардан бирига 350 дона иш кийими буюртма бердик. Кейинги сафар келганингизда қизларимизни бир-бирларидан ажратолмай қоласиз, — деб қўйди.

Тикув цехида буткул бошқа манзаранинг гувоҳи бўлдик. Кираверишда, «Техник назорат бўлими табриклайди ва танқид қилади», деб ёзилган бурчак жойлашган. Бу ердан болаларнинг сифатли тикилган майка, иштонча, трусилари билан бирга, пойлари алишиб кетган иштончалари ҳам ўрин олган. Бу бурчакка ҳар куни тикувчи қизларнинг кўзи тушади, улар янада яхшироқ ишлашга ҳаракат қиладилар.

ТНБ назоратчиси Малика Ўринбоеванинг тийрак нигоҳидан ҳеч нарса қочиб қутулолмайди. У сифатсиз либос эгасини ҳам қийналмай топади. Чунки ҳар бир тикувчининг ўз рақами бор. Рақам эса кийимнинг ич чокига қўшиб тикилади. Қани, ким қочиб қутуларкин?

— Цех ишчиси Манзура Аҳматова бир кунда 900 тача, Бонат опа Холбоева эса 500 тагача болалар майкаси тика оладилар. Ҳар иккаласи ҳам виждонан ишлайди, — дейди Малика.

— Ёш болалилар кечки ва тунги навбатда қийналишади. Ахир 40 — 50 чақиримдан қатнайдиганлар бор. Ўзимнинг ҳам болаларим кўп, — дейди Бонат опа.

Ишчи аёл ҳақ гапирди. Гарчанд, тунги навбатда пул яхши тўланса-да, бунда ёш болалик аёллардан розилик олиниши керак ва шарт. Аёллар буни ихтиёрий тарзда ҳал қилмоқлари лозим.

Иккинчидан, ҳалиям қанд, шакар, совун, ишқорнинг талон системаси қишлоқларда тартибга солинганича йўқ. Аслида одамларнинг яшаш жойларига яқин савдо дўконлари бу ишни уддалаши, масъул ташкилотлар эса ишнинг боришини кузатув остига олиши даркор. Ахир яхши хизмат фақат оқ-қорани таниган, ҳуқуқ талаша оладиган чечанларгагина белгиланмаслиги керак. Бундай хизмат шаҳар билан қишлоққа тенг бўлгани яхши.

Яқинда фабрика маъмурияти 1989 — 1991 йиллар учун Ленин номли давлат хўжалиги билан 15 минг сўмлик мева-сабзавот маҳсулотлари олишга шартнома тузди. Шартномага кўра, фабрика ишчилари уч йил давомида кузги картошка, пиёз билан таъминланишлари керак.

Ишчиларга ғамхўрлик уларнинг ёз ойида чиқишган Одесса шаҳри бўйлаб саёҳатидан ҳам сезилди. Фақат фабрика ўз ишчилари учун алоҳида турар жой ва кичкинтойлар учун боғчага эга эмас.

Маржонбулоқ конининг тўрт қаватли ётоқхонасидан бир қавати фабрика ишчиларига ажратилган. Ўтган йил 20 та одам касаба союз ва комсомол ташкилоти ёрдамида умумий ётоқхонага жойлаштирилди. Яна шу коннинг 140 ўринли боғчасига 1990 йил учун ҳар бир болага бир йил бадалида 2800 сўмдан тўлаб фабрика ишчиларининг 50 фарзанди жойлаштирилади. Бу фабрика иқтисодига жиддий зарар келтиради ва келтирмоқда.

— Энди ўзимизни анча эплаб олдик. Соф фойда тушса, 140 ўринли боғча қурдирмасак бўлмайди, — дейди фабрика директори Ҳ. Аҳмедов.

Фабрикада ҳали талайгина муаммолар бор. Хусусан, Андижондаги Олтинкўл полотно фабрикаси билан 1988 йил май ойида тузилган шартнома, камчиликларнинг дебочаси бўлди. Янги ишга келган, тажрибасиз директор фабрика ишлаб чиқарадиган маҳсулот талабига жавоб бермайдиган газламага шартнома тузиб қўйди. Бу ўз навбатида фабрика кўрсаткичларини орқага тортувчи омил бўлиб хизмат қилди. Ахир фабриканинг уч юз йигирма олтита ишчиси раҳбарнинг қобилиятига ишониб, шу корхонага ишга қатнайди. Мана шу ишончни оқлай билиш керак.

Гулжаҳон ОМОН қизи,
Жиззах вилояти.

Диққат: радиация

Олмалиқ яқинидаги жарликда... ва бошқа жойларда

Радиация миқдорини ўлчовчилар Олмалиқ яқинидаги жарликда ғалати буюмни топдилар. Бу икки томони қисилган элипс шаклидаги, ҳар бири 150 килограммлик буюмлар эди. Улар тўрт дона бўлиб, ҳаммасидан гамма-нур таралиб турарди...

Радиактив ўзгаришни вертолётдан аниқлашди, — дейди «Краснохолмскгеология» ишлаб чиқариш бирлашмаси радиация экология отрядининг бошлиғи Ю. Семёнов. — Жарликка келиб, қўрғошин қобиқли асбобларни топдик. Яхши ҳамки қобиқ бутун экан.

Нурланиш манбаи Олмалиқ кон-металлургия комбинатининг станцияси яқинига қандай келиб қолганини, улар кимга қарашли бўлганини вилоят санитария-эпидемиология станцияси ва тегишли органлар аниқлашларига тўғри келади.

Мутахассислар бу топилмани жуда катта «фавқулодда ҳодиса» деб ҳисобламоқдалар. Асбоблар соатига бир рентгендан ортиқ нур таралаётганини кўрсатди. Эҳтиётсизлик билан ташлаб юборилган металл парчаси табиатга ва инсонга қандай зарар етказиши мумкинлигини ўйлашнинг ўзи даҳшат. Ҳозир бу асбоблар Олмалиқ кон-металлургия комбинатининг радиоизотоп лабораторияси омборига жойлаб қўйилди.

— Яқингача бундай «хазиналар» тасодиф туфайли аниқланарди, — деб давом этди Ю. Семёнов. — Эндиликда эса уларни изчиллик билан қидирмоқдамиз. Бундай буюмларни қидириб топиш ва олиб кетиш ишларини граждан мудофааси хизмати ва санитария-эпидемиология станциясининг радиология лабораторияси билан биргаликда бажармоқдамиз. Мутахассисларимиз аҳоли пунктларидаги радиоактив гамма-фон харитасини тузиш билан шуғулланмоқдалар. Биринчи навбатда Тошкент, йирик саноат ва область марказлари харитаси тузилади.

Афсуски, бундай хавфли топилмалар ягона эмас. Тошкент отчопари яқинидаги Солнечний посёлкасидаги гўнг... мутахассисларни ҳайратга солди. Эни 20 метр, узунлиги 40 метр майдонга тўкилган гўнгнинг радиоактивлиги йўл қўйиш мумкин бўлган нормадан 10 баравар ортиқ эди. Гўнг далага олиб чиқиб солинаётган эди.

Самарқанддаги тадқиқотлар чоғида онкология диспансери территориясида ва қариялар уйи олдида радиоактив нурланиш манбалари топилди. Бу ерда ҳам нурланиш миқдори хавфсиз даражада эмас. Чиндан ҳам бепарволик билан телбаликнинг ораси жуда яқин.

Тошкентда отряд 114 та мактаб ва техникумни текширди. Уларнинг учдан бирида қаровсиз радиоактив манбалар топилди ва олиб кетилди. Аммо бундай манбаларни Ўзбекистон металлургия заводининг чиқитларидан қандай қилиб олиб кетиш мумкин? Бекободда автомобилда гамма — суратга олиш чоғида шундай манбаларни аниқлаган оператор Л. Черников хабар қилади: район аҳоли учун боришга ноқулай, металлургия ишлаб чиқаришининг чиқитлари кўпайиб бормоқда. Уларни бир метр қалинликдаги тупроқ билан кўмиб ташлаш тавсия этилди.

Бироқ кўрилаётган бу чоралар сабабни эмас, оқибатни тугатишдир. Хўш нима учун металлургия заводининг чиқитларида радиоактив моддалар бор? Чамаси радиация манбалари металл парчалари билан эритилган, Олмалиқда топилган металл буюмлар каби асбоблар шу ерда эритилган.

Шуни ҳам таъкидлаш керакки, хавфли «металл парчалари эгалари» устидан қатъий назорат ўрнатилмаган». Олмалиқ воқеаси буни яна бир бор тасдиқламоқда. Қурилиш майдонларини танлаш чоғида ҳам ҳанузгача оддий хавфсизлик қоидаларига риоя қилинмаяпти.

Мавжуд қоидаларга кўра, қурилиш учун ажратиладиган ҳамма участкаларда радиоактивлик бор-йўқлиги текширилиши лозим. Лекин ўтган йили отрядга Тошкент шаҳар ижроия қўмитасидан якка тартибда уй қурувчилар учун ажратилган «Ўриксор» даҳасини текшириш тўғрисида битта буюртма берилди, холос. Мутахассислар ахлат уюмларини 120 жойда қавлаб текширдилар, батафсил суратга олдилар. Улар радиация манбалари йўқ деган хулосага келдилар. Шундан бошқа буюртма тушмади. Касалликни даволашдан кўра олдини олиш осонроқ, деган нақл бор. Бу соҳада ҳам худди шундай. Қоиданинг бузилиши унга риоя қилишга нисбатан жуда қимматга тушади. Отряд ходимларининг сўнгги хабари: Тошкентда гамма-радиоактив фон рисоладагидек.

(ЎзТАГ мухбири).

Жумҳурият олимпиадалари

Бухоро шаҳрида рус мактаблари ўқувчиларининг ўзбек тили фани бўйича жумҳурият III олимпиадаси бўлиб ўтди.

Беллашувда 118 балл тўплаган Бухоро вилояти командаси биринчи ўринни олишга муваффақ бўлди. Мусобақа шахсий биринчилигида Конимех ноҳиясидаги 2-ўрта мактабнинг 11-синф ўқувчиси Ирода Раҳмонова ҳамда Қизилтепа ноҳиясидаги М. Горький номли мактабнинг 9-синф ўқувчиси Оксана Ганжалар ғолиб деб топилди ва биринчи даражали диплом ҳамда эсдалик совғалари билан тақдирланди. Конимехлик И. Раҳмоновага олий ўқув юртига кириш имтиёзи берилди.

Иккинчи ва учинчи ўринларни эгаллаган командалар ва шахсий биринчиликни қўлга киритган бошқа вилоятларнинг ўқувчилари ҳам қимматбаҳо совғалар билан тақдирланишди. Вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи С. Баҳронова, вилоят комсомол қўмитаси котибаси С. Ҳамроевалар, мусобақа ғолибларини муборакбод этишди.

Шунингдек, ёш кимёгарларнинг жумҳурият олимпиадаси ҳам Бухоро шаҳрида ўтказилди.

А. РАҲМОНОВ.

Табиий офатнинг яна бир зарбаси

Наманган вилоятининг шимолий ноҳияларида 20 апрелдан 21 апрелга ўтар кечаси ёққан дўлдан зарар кўрган дон ва озуқа экинларининг дастлабки бир неча юз гектарида экинлар тиклаб олинди. Табиий офат натижасида шикастланган фермалар, уй-жойлар ва бошқа иморатларни тиклаш учун минглаб кишилар ва юзлаб машина ҳамда механизмлар юборилди.

Маҳаллий гидрометеорология бюросининг бошлиғи А. Қурбоновнинг хабар беришича, кечқурун соат 9 дан кейин кучли жала дўлга айланди. Дўлнинг катталиги баъзан уч сантиметрга етди. Бор-йўғи бир неча соат ичида ёғингарчилик тарзида ерга камида 9 миллион кубометр сув тушди.

Дўлга қарши курашувчиларнинг куч-ғайрати қай йўсин билан бўлса ҳам дўлнинг катталигини кичрайтиришга ва шу билан зарарни камайтиришга қаратилган эди. Бироқ бу сезиларли натижа бермади. Дастлабки ҳисоб-китобларга қараганда, дўл етказган моддий зарар қарийб 20 миллион сўмни ташкил этади. Дон ва озуқа экинлари, боғлар ва полизлар қаттиқ шикастланди. Табиий офат зарбасига учраган ерларнинг умумий майдони 17 минг гектардан ошади.

Ҳозир табиий офат оқибатларини бартараф этиш учун барча чора-тадбирлар кўрилмоқда. Ўзбекистон ССР Вазирлар Кенгаши Раисининг биринчи ўринбосари Д. Д. Берков табиий офат рўй берган ноҳияларда бўлди.

(ЎзТАГ).

Бир хат изидан

Ҳақли талаблар

МАҚОЛАНИНГ ЁЗИЛИШИГА САБАБ: «Ғозғон мармарни қайта ишлаш цехидаги аянчли аҳволни кўриш учун мухбир жўнатишларингизни сўраймиз...»

МУҲАРРИР ТОПШИРИҒИ: Мухбир Гулчеҳра Алибоева шуғуллансин.

Ишга киришилди. Ғозғон посёлкасига етиб бориш ҳам бир муаммо. Мана, ўзимизни осмондан тушгандек ҳис қилиб, ўтирибмиз.

Бутун Тошкентга овозаси кетган, келиб кўришга интиқ бўлган мармарларни қайта ишлаш цехи билан таниша туриб таажжубда қолдим.

Қизиқ, одамлар қаерда ишласа, ўшанга мослашиб оладиган бўлиб қолганлиги ҳақида эшитган эдим. Энди ўз кўзим билан кўриб турибман. Бу цехда ишловчи 50 нафар ишчининг жони мармардан қаттиқ бўлиб кетганига ишонмасангиз керак. Ишонаверинг, чиндан ҳам шундай.

Бу ерда ишлаётганлар аввало ёз билан қишнинг фарқига боришмайди. Шундай, деб ўзларини овутишади. Цехда қишда ҳам иситиш тармоқлари исимайди. Бирор кун исиганини ҳеч ким эслай олмайди. Балки «парвардигори олам» ҳеч ким йўғида темирларга раҳми келиб, хуфёна иситиб кетмаса агар. Айтишларича, завод посёлкадаги иситиш тармоқлари учун 270 минг сўм сарфлаган. Посёлкадан ортиб, цехга ҳали иссиқлик етиб келолмаяпти. Эй, шу ишчиларга ҳам қойил қолмадим-да. Кутинг, бир куни исиб қоларсиз. Мана, олди баҳор. Кейин ёз. Текин иссиқлик берадиган кунлар яқин қолди. Бардош керак. Қанча дейсизми? Унисини билмадим-да. Аттанг, бу саволни беришларингизни билганимда Тошкентдаги зўр мутахассисларга миридан-сиригача ҳисоблатиб келардим.

Ия, мана бу чуқур нима? Мен адашиб бошқа бир жойга келиб қолдимми? «Ажабланманг, янги станок учун қазилган гўр». «Гўр» дейсизми? Мунча гапларингиз совуқ бўлмаса? Совуқда ишлайвериб шундай бўлиб кетганми? Майли, кечирамиз. Бундоқ тушунтириброқ гапиради-да, одам дегани. Билдим, дастгоҳни ўрнатадиган мутахассислар йўқлиги учун шу ҳолми ҳали? Айтдим-а, тўрт-беш ойдан бери янги дастгоҳлар нимага ўрнатилмаётган экан, деб.

Қизиқ, ҳовлида иккита янги дастгоҳлар кераксиз буюмдек тахланиб ётса-ю, ишчилар учта дастгоҳ ўрнига, биттасида ишлаб кун ўтказишса. Қолганлари бузуқ дейсизларми? Сезяпман, ақлим етаяпти. Эҳтиёт қисмлар топилмайди, етишмайди-да. Бундай гапларни эшитавериб, миямизга жойлашиб қолган. Айтмасаларингиз ҳам ўзим билдим. Энди қандоқ қиласизлар, вазирликдагилар жиддий шуғулланишмагандан кейин. Уларни туртиб қўядиган, учи учли бир янги «буюм» ўйлаб топиш керак. Мен ишчи бўлганимда ўшандай қилардим. Ваҳоланки, посёлканинг ўзида 500 ёш ишсизликдан нима қиларини билмай гаранг!

Аслида муттасил намликда ишлагани учун қўшимча ҳақ тўлаш масаласини ҳал қилиш вақти етди. Шовқини дейсизларми? Ҳа, намликни ҳисобга олишаётганида, шовқинни ҳам қўшиб ҳисоблаб кетишади-да. Келишдикми, а, лаббай?

Энди гапираверсак, гап кўп. Сўз навбатини ана шундай аянчли шароитда кун ўтказаётганларга берсак. Дардни ҳис қилмоқ учун дард билан оғриб кўр, деган эканлар. Хуллас, дарди борлар сўзласин, биз эшитайлик.

Соли РЎЗИЕВ ва Рўзиқул КАРИМОВ — ишчилар:

— Редакцияга телеграммани биз жўнатган эдик. Ўша кунлари аҳволимиз жуда ёмон эди. Ҳозир ҳам бирор ўзгариш йўққу-я. 15-28 январь кунлари цех эшигини ишламаймиз, деб ўзимиз ёпдик. Яна ўзимиз очдик. Ноябрь, декабрь (1989 йил) ойларида иш бўлмаганлиги, планни бажаролмай, ойлик ололмаганлигимиз учун шундай қилишга мажбур бўлдик. Қарасак, бўлмайдиган. Ҳеч ким эътибор бермайди. Ҳамма аламли, биров бир сўм бермаса, 10 сўм бўлса ҳам пул керак, деб ишладик.

Алибой ШОМУРОДОВ — ишчи:

— Хом-ашё яхши етказиб берилади. Ишлайлик, деб кечаси ҳам келамиз. Лекин дастгоҳлар ишламаслиги, бузуқ бўлганлиги учун ишимизда унум бўлмайди. Юқоридан режалаштириш нотўғри бўлганлиги учун бизларга мармарни қирқишга сунъий олмос беришади. Лекин Ғозғон мармари 7-категорияли бўлганлиги учун табиий олмос ишлатиш керак. Бизларга яқин орада табиий олмос келтиришмади.

Нурмат ФОЗИЛОВ — бош инженер:

— Икки ҳафта иш бўлмади. Мармарни қайта ишлаш цехи ишчилари ремонт билан шуғулланишди. Дастгоҳлар 1976 йилда келтирилган. Дастгоҳлар бузуқлиги учун ишчиларнинг бўш туриб қолиш ҳолати тез-тез такрорланмоқда. Эҳтиёт қисмлар умуман етишмайди. Дастгоҳнинг асосан биттаси ишлаяпти. Қазиб олинаётган хомашёнинг 5-6 фоизигина шу ерда қайта ишланади. Ҳолбуки, бир йилда 27 минг куб мармар блоги қазиб олинди. Ўзимизда мармар бўлиб, ўзимиз ишлата олмаймиз. Ноҳиядаги бирор қурилишга мармар ишлатиш учун рухсат керак бўлади. Чиқинди масаласи бизни жуда қийнаб юборди. Бизлар товар маҳсулотини темир йўлга олиб чиқишга зўрға улгурамиз. Чиқиндилар учун транспорт етишмайди. Чиқиндини қайта ишлаш мумкин. Ҳатто, оладиган ташкилотлар ҳам бор. Лекин транспорт етишмаслиги туфайли тоғ-тоғ бўлиб уюлиб ётибди.

ЎЗБЕКИСТОН ССР БИНОКОРЛИК МАТЕРИАЛЛАРИ ВАЗИРЛИГИДАГИ МУТАСАДДИ ЎРТОҚЛАР ДИҚҚАТИГА.

Шавкат РАҲМАТОВ — бош геолог:

— Бизлардан 40 километр масофада жойлашган Кўкча, Зарафшон конларида мармарни очиқ усулда қазиб олинаётганлиги учун 60 фоиз қўшимча ҳақ берилади. Бизларда эса ундай эмас. Яқинда бизлардан сайланган СССР халқ депутати Н. Кучерскийга ушбу масалани қўйдик. Очиқ усулда қазиб олинаётганлиги, шароитнинг ёмонлиги учун иш ҳақига лоақал 40 фоиз қўшимча ҳақ тўлашни ҳал қилиб бериш наказини қўйдик. Ҳали-ҳануз жим-жит. На бирор хабар, на бирор жавоб олмадик. Ғозғонда ҳам темир йўл қурилиши керак. Ана ўшанда муаммоларнинг кўп қисми ҳал бўлади. Ҳозир биз мармарни Навоийга ташиймиз. У ёқдан харидорлар олиб кетади. Ортиқча ташвишлар кўп.

Кишини бир нарса доим ўйлантиради. Нима учун биз ўз маҳсулотимизни тўғридан-тўғри жаҳон бозорида сотиш имкониятига эга эмасмиз? Меҳнатини қилганимиздан кейин, ҳузурини ҳам кўришимиз керак-да. Таомни пиширсангу, мазасини бошқалар тотса.

Нурмат ФОЗИЛОВ: — Биз ҳайронмиз. Италия дастгоҳлари нимага бизгача етиб келмайди. Вазирлик тақсимотни тўғриласин. Ғазалкентликлар Италия дастгоҳларида ишлашни ёқтиришса, бизлар ёмон кўрамизми? Италия мармари ҳам, дастгоҳи ҳам биринчи ўринда. Мармарни бир хилда, юпқа қилиб қирқади. Қўл меҳнати осонлашади. Бизларда ҳали-ҳануз ҳамма иш қўлда бажарилади. Қирқилган плиталарни ишчиларимиз икки букилиб, машиналарга ортишади.

Италиялик қончиларнинг иш тажрибасини ўрганишни йўлга қўйиш керак. Фақат раҳбарлар эмас, ишчилар ҳам борсин тажриба алмашишга. Нимага у ёқдаги яхши ишларни ўзимизда жорий қилиш мумкин эмас?

Мана шундай гапларни эшитаверсанг эзилиб кетасан киши. Бўз тўқиб белбоққа ёлчимаган халқим. Ҳар соҳада, ҳар қадамда ижтимоий адолатсизликлар.

Ишчиларнинг ҳамма талаби тўғрилигини ҳис қилиш қийин эмас. Бу аҳвол вазирликдаги ўртоқларга ҳам маълум бўлмаса керак. Ахир камчиликларни кўра-била туриб ҳал қилмасликни қандай баҳолаш мумкин?

Ҳусан БОЗОРОВ дилидаги гапларини яширмади:

— Мен ҳеч кимга ишонмайман. Дардларимизни, камчиликларимизни куйиниб биринчи бор айтаётганимиз йўқ. Лекин айтганимиз ҳамда кимлардир келиб кўриб кетганлари билан ҳеч нарса ўзгармаяпти.

Ҳусаннинг, барча ишчиларнинг гапларини рўзномамиз орқали завод раҳбарларига, қолаверса Ўзбекистон ССР Бинокорлик материаллари вазирлигига етказиб қўйишга аҳд қилдим. Ҳақли талаб ҳақ жойини топиши керак. Токи у ғазак олмасин.

Гули ЧЕҲРА,
«Ёш ленинчи» мухбири.
Самарқанд вилояти.

Саҳнада тарбиячилар

Оққўрғон ноҳиясидаги С. Сегизбоев номли давлат хўжалиги бўлимлари болалар боғчалари тарбиячилари ўртасида «Иқбол» конкурси бўлиб ўтди. Унда қизлар фасллар келинчаги баҳорни, унинг муаттар гулларини, она Ватанни мадҳ этувчи шеър ва ғазаллар ўқидилар. Чеварлик, пазандалик, орасталик сингари фазилатлар юзасидан қизғин баҳслашдилар.

Қизларнинг алла айтиш маҳоратига кечага таклиф қилинган онахонлар, кекса-ю ёш, айниқса юқори баҳо беришди. «Бундай аллаларни фақат саҳнада эмас, кундалик ҳаётимизда ҳам тез-тез эшитиб турсак», деган хулосага келишди йиғилганлар.

Конкурс якунланиб ғолиблар эълон қилинди. Фарида Рустамова, Мавлуда Исроилова, Гулбаҳор Юсуповалар номи биринчи бўлиб тилга олинди. Шунингдек, Барно Рисқиева, Мўмина Вилулаева, Муҳаббат Сулаймонова, Фаридахон Усмонова сингари тарбиячи - қатнашчиларнинг фаол иштирок этганликлари қайд қилинди.

Б. ҲАСАНБОЕВА,
Тошкент вилояти.



Қашқадарё вилоятининг Шаҳрисабз ноҳиясидаги Аброр Ҳидоятов номли 56-ўрта мактабда таълим-тарбия ишлари намунали тарзда олиб борилмоқда. Куни-кеча матбуотда эълон қилинган Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитасининг жумҳурият барча меҳнаткашларига Мурожаатномаси мактаб педагоглари эътиборидан четда қолмади. Мактаб муаммолари ҳамон давримизнинг долзарб масалаларидан бири бўлиб қолаётганлиги барчамизга аён. Бу борада бирон ўзгариш қилмас эканмиз, тарих — келажак бизни асло кечирмайди.

СУРАТДА: мактабнинг илмий бўлим мудири Эшпўлат Турдиев ёш педагоглар билан суҳбатлашмоқда.

Сураткаш Муҳаммад АМИН

Хорижда хабарлар

Президентнинг айтганлари

ВАРШАВА. Совет Иттифоқига яқинда қилинган ташриф катта аҳамиятга эга бўлди ҳамда сиёсий ва маънавий жиҳатдан, иқтисодий муаммолар соҳасида ғоят самарали бўлди, деди Польша жумҳурияти президенти Войцех Ярузельский СССРга расмий ташрифининг якунлари юзасидан телевидение орқали журналист билан қисқача суҳбатда. Мен, айниқса, Михаил Горбачев билан бўлиб ўтган суҳбатларни қадрлайман, деб давом этди у. Бу суҳбатларда деярли барча асосий мавзулар тилга олинди. Қабул қилинган қарорлар ва эришилган аҳдномалар Польша учун жуда ижобий, бинобарин бу ҳақда кўп гапириш мумкин эди. Бу қарорлар ва аҳдномалар сиёсий жиҳатдан ва, маълум даражада, иқтисодий жиҳатдан, мудофаа соҳасида катта фойда келтиради, ҳамжиҳатликни, икки томонлама муносабатларнинг ривожланишига катта ҳисса қўшади, деб таъкидлади Польша президенти. **(ТАСС).**

ТЕЛЕТАЙП ЛЕНТАСИДАН

✦ **АФИНА.** Греция парламенти депутатлари гуруҳи турк коммунистлари Ҳайдар Кутлуғ билан Нихат Саргинни турмадан дарҳол озод этишни талаб қилувчи даъватномани имзолади. Турли фирқадан сайланган фирқа аъзоларидан 93 киши имзо чеккан бу ҳужжат Туркия ҳукумати ва парламентиң номига юборилди.

Даъватномада турмада азоб чекаётган сиёсий арбоблар икки ҳафтадан кўпроқ очлик забастовкаси ўтказаётганликлари ва уларнинг ҳаёти жиддий хавф остида қолганлиги таъкидланади. Уларни дарҳол озод қилиш, — дейилади даъватномада, — демократия ва инсон ҳуқуқлари учун курашаётган барча одамларнинг вазифасидир.

✦ **АНҚАРА.** Туркиянинг жануби-шарқида юз берган отишма натижасида етти киши ҳалок бўлди. Анатолия агентлигининг хабар қилишича, Сиирт вилоятининг Киркия қишлоғи яқинида хавфсизлик кучлари қуролланган отряд борлигини аниқладилар. Қуролларни топшириш ҳақидаги буйруққа жавобан ўқ овозлари эшитилди. Бошланган отишма натижасида курд жангариларидан олти киши ва бир солдат ҳалок бўлди.

Ҳозирги вақтда бу ноҳияда террорчилар гуруҳларини тугатиш юзасидан кенг миқёсли операция ўтказилмоқда, деб таъкидлайди Анатолия агентлиги. Мамлакатнинг жануби-шарқида, деб хабар қилади агентлик, уч йилдан камроқ вақт ичида мингдан ортиқ киши, шу жумладан, хавфсизлик кучларининг 200 дан зиёд вакили ҳалок бўлди.

(ТАСС).



Самода муаллақ қолда бир-бирига никоҳ узугини тақаётган келин ва куёвга қараб таажжубланишингиз мумкин. Бу «Нэшил инкуайрер» Америка журналидан олинган сурат.

...Свен ва Анна Вейтцель Жанубий Африка осмонида парашютда сакраш билан биргаликда никоҳдан ҳам ўтишни маъқул деб билишган-да!

ТАСС сурат хроникаси.

Мухбиримиз бонг уради

АЛДОВЛАРНИНГ ЧЕКИ БОРМИ?

Олмос қишлоғида ваъда бераверив қурувчилар эмас, ўқитувчилар чарчашди. Ҳар гал дарсга киришади-ю, баҳона қидиришади. Шогирдлари кўнглига таскин берувчи сўз топа олишмайди. Қачондан бери аҳвол шу. Томи босиб қолгудек хоналарда юрак ҳовучлаб ўтириш... чанг ютиш... қишнинг қаҳратонида совуққа бардош бериш...

Роппа-роса беш йил муқаддам янги мактаб қурилиши бошланганида «Биз ҳам энди ёруғ, озода хоналарда сабоқ тинглаймиз» дея, ўқувчилар қувонишганди. Қурувчиси тушмагурлар бир кўриниш бериб ғойиб бўлишди.

Икки ўртада бекинмачоқ ўйини бошланди. Ўқитувчилар қурувчилар изидан тушдилар. Юқорига чопишди. Арз қилишди. Ниҳоят, бўйнидан боғлангандек уч-тўрт қурувчи келди. Бироз «шикоятчилар»га аччиқ қилган бўлишди-да, кейин мактаб ҳовли деворларини буздилар. Лекин атрофига тўсиқ қўйиш уларнинг хаёлига келмади. Тош-шағал олиб келинди. Йўлдош — эски бинонинг атрофини кўриб бўлмай қолди. Қазиб ташланган тўнкалар, қулаган деворлар... Аммо муаллимлар ҳам, ўқувчилар ҳам тишни-тишга қўйиб чидашди. «Янги бинога ўтгач, ҳаммаси унут бўлади», деб ўзларини овутишди.

«Йўргакда теккан касал» қурувчиларни яна чалғитди. Хайр-маъзурни насия қилиб жўнаб қолишди. Нима қилиш керак? Кимдир дарсни қолдирди, бошқа биров юмушларини йиғиштириб изқуварлик қилди. Аммо фойдаси бўлмади. Бош урилмаган остона қолмади. Жавоблар бир хил: «хом-ашё етарли эмас».

Охири бўлмади. Ўқитувчилар ёзги таътилда ўзлари лой қориб, ёғоч йўнишга тушдилар. Яхшиямки, «ҳашар» деганлари бор. Ўқувчилар ҳам дам олишмади. Гувала қуйишди. Навоий номли жамоа хўжалиги ёғочдан ёрдам қилди. «Бўл-бўл» билан 100 ўринли бино тикланди. Унга ошхона деб ном бердилар.

Шундай қилиб, Чуст ноҳиясидаги Маяковский номли 30-ўрта мактаб муаллимлари ҳожатбарор ҳашарчи эканликларини амалда исбот қилдилар. Ҳозир ҳам шундай. Меҳнатдан қочишмаяпти. Баҳорда дала юмушлари... кузакда пахта деганларидек. Ёзда ҳам бинойидек машғулот топилди. Яна 60 ўринли қўлбола бино қад кўтарди.

Ишлайверса қўл ҳам келиб қолар экан. Оталиқ Навоий хўжалиги мутасаддиларига шарт қўйишди: «Мактабни таъмирлашга ажратилган пулга филиалда бино тиклаб беринглар. Таъмирлашни ўзимиз қиламиз».

Қурувчи-муаллимлар сўзларининг устидан чиқишди. Боз устига асбоб-ускуналар учун омборхона ҳам қуришди. Аммо оталиқ ташкилот ваъдадан нари ўтмади. Ташаббускорлик қилаяпсанлармми, ўз ёғларингга ўзларинг қовурилаверларинг, дейишди.

Биз мактабда бўлганимизда ҳайратдан ёқа ушлаб қолдик. Оддийгина мисол: икки томонига дарвоза қўйиб, тўрни маҳкамлаб қўйган билан волейбол ёки спорт майдончаси деб бўлмайди-ку. Қўшни ҳовлиларга тўп тушмаслик учун тикланган сим тўсиқларни кўриб кулгингиз қистайди. Майдон четида ёғочлар, тошлар уюлиб ётибди.

— Кун иссиқ бўлса-ку, майли, — деди 8-синф ўқувчиси Ҳакимжон Сотволдиев, — ёмғир ёғса борми, майдонга кириб бўлмай қолади. Оёғингиз лойга ботади. Ёпиқ спорт залларини тушимизда кўрамиз холос.

— Ўқитувчи бўла туриб, шогирдларингизга етарли билим бера олмаганингиздан юракка оғриқ туради. — куюнади жисмоний тарбия муаллими, директор ўринбосари Тожиали Раупов, — Болалар турникда тортилишмаса, арқонга осилиш, юқорида машқ бажариш каби машғулотлар оғиздагина ўтилса, кейин нима бўлади?

— Жамоа хўжалигида ҳам, бошқа жойларда ҳам қандай юмуш деса бажарамиз, — алам билан сўзлади ўқувчи Нилуфар Усмонова, — айбимиз нимада? Қишда хоналарда совуқ қотиб ўтирсак. Ўқув қуроллари етишмаса. Етарли билим ололмасак...

Ҳақли талаблар, сўровлар... Бу шунчаки ташвишни тўкиб солиш эмас, азбаройи адолат бўлмаганидан, ўзга мактабларда тенгдошлари яйраб-қувнаб сабоқ олаётганда раҳбарлар уларнинг тақдирига панжа орасидан қараётганлари алам қилаётганидан айтилаётган дардлар.

— Энг оғири жамоа етакчисига тушаркан. — куюнади директор Тожиаҳмад Сотволдиев, — Юқоридан текширувчи келса ҳам биз айбдор. Қурилишни тезлатиш ҳам бизнинг зиммада. Тўғриси, югураверив чарчадим. Ўтган йили эринмасдан ён дафтаримга қайд қилдим: вилоятдаги турли ташкилотларга 179 марта қатнабман. Бўзчининг мокисидек югураверсангу натижа бўлмаса...

Ўтган йили 133- МПМК қурувчилари режада белгилангандек 100 минг сўмлик иш бажаришлари керак эди. 15 минг сўм ўзлаштирдилар, холос. Қолаверса бинонинг остки қисми ковланди-да, тупроқ уюмлари тоғ қилиб ташланди. Атрофи тўсиқ қилинмагани учун болаларга «зўр» жой топилди. Ўтган йили уюм устидан йиқилиб икки нафар ўқувчи лат еди. Бу йил қазилган хандаққа озроқ бетон қуйилсада, иш суст боряпти. Бирор кор-ҳол юз бермаслигига ҳеч ким кафолат бера олмайди. Қурувчиларнинг эса парвойи палак.

Ҳали битмаган, тўғрироғи остки қисми ҳам тикланмаган бинога вилоят капитал қурилиш бўлимидагилар 250 минг сўмлик жиҳоз ажратишибди. Энди уни ташиб олиш керак.

— Шундайлигича ҳам жой етишмайди-ку, — дейман директорга. — Бундай иш тутиш «сичқон сиғмас инига» қабилида эмасми?

Директор асабий ер чизади:

— Нима қилайлик. Берганларида олиб қўймасак шундан ҳам қуруқ қоламиз.

Раҳбарнинг хавотири ўринли. Ахир ўзлари қўлбола қилиб тиклаган бино ичкарисига кириб таажжубга тушасиз. Девор сувоқларининг пардозини-ку қўя туринг, стол ўрнида фойдаланилаётган ўриндиқларга нима дейсиз? Санитария-гигиена қоидаларига мутлақо жавоб бермайди. Йўқ, бу ерда муаллимларни айблаб бўлмайди. Бунинг учун алдовлар билан ўқувчиларнинг ҳам, ўқитувчиларнинг ҳам қўйнини пуч ёнғоққа тўлдирган қурувчилару, мутасаддилар айбдор. Ахир ҳамма нарсанинг чегараси бордир? Қачонгача ўқувчилар янги мактабни тушларида кўришади? Қачонгача бино қурилиши туя гўшти егандек чўзилаверади? Ҳақли сўровларга мутасаддилардан жавоб кутамиз.

Фозилжон ШОДМОН,
«Ёш ленинчи» мухбири.
Наманган вилояти.

РАНГ-БАРАНГ ОЛАМ

БУЙРАГИМ ОҒРИМАСИН ДЕСАНГИЗ

✦ ДАРҲАҚИҚАТ, буйрагим оғримасин десангиз табиб маслаҳатисиз бирор дорини ича кўрманг. Мюнстер дорилфунуни (ГФР) олимлари шундай хулосага келдилар. Уларнинг фикрича, буйраги оғриб касалхонага тушган беморларнинг учдан икки қисми касаллик бошлангунга қадар бош оғриғи ва бошқа турли хил оғриқларни қолдирадиган дориларни табиб кўрсатмасисиз қабул қилишган. Натижада бир касалликни даволаш ҳисобига бошқа бир касалликка дучор бўлишган.

Эндиликда олимлар умуман оғриқ қолдирадиган дори-дармонларни реклама қилишга ва уларни сотишга қарши чиқмоқдалар.

ОПЕРАЦИЯ МУВАФФАҚИЯТЛИ ЎТДИ

✦ БУЛҒОРИЯЛИК 23 ёшли она Ивайлка Григорова эгизак фарзанд туғди. Уларнинг бошқа эгизаклардан фарқи шундаки, улар сиём (ажралмас) эгизаклари. Уларнинг кўкрак ва қорин қисми бир-бирига ёпишиб қолган. Лекин София Тиббиёт фанлар академиясининг болалар бўлими жарроҳлари операция йўли билан уларни иккига ажратишга муваффақ бўлдилар. Ҳозир икки эгизак — Ангел ва Илиан ўзларини яхши ҳис қилмоқдалар. Бироқ ҳали бир қатор операциялар олдинда, чунки очиқ қолган кўкрак ва қоринни тери билан қоплаш керак.

БИР ДОНА ТУХУМ УЧУН 6000

✦ ЯҚИНДА Шотландия суди кёльнлик (Ғарбий Германия) икки немисни уч ойлик қамоқ жазосига ҳукм қилди. Овга ўргатилган йиртқич қуш — лочиннинг 9 дона тухумини ўғирлаганликлари бунга сабаб бўлди. Тухум ўғриларининг судда айтган гапларига қараганда, улар бу тухумларни Яқин Шарқ мамлакатларидан бирида юқори баҳода пуллашни мўлжаллашган. У ерда лочиннинг бир дона тухуми учун 6000 ГФР маркаси, полапони учун эса 15 минг марка тўлашаркан.

Ахлоқ мавзуида

РАШК

«Хазара»ликларни Раҳмат Худойназаровнинг тўсатдан йўқолиб қолиши ташвишга солиб қўйди. Туппа-тузук юрган забардаст йигитнинг бирдан кўзга кўринмай қолиши ғалати туйилар экан! Уни кўрдим, ёки менга қаёққа боришини айтиб кетган деган шахсни учратиш амри маҳол. Ҳатто у билан яримтани бўлиб ичишган дўстларининг ҳам ҳаловати йўқолган. 1988 йилнинг 19 декабрь куни кечқурун бир шиша ароқни қўлтиқлаб ҳамқишлоқлари Бобомурод Шамсиддиновнинг армиядан келган ўғлини кўришга борган Омон Хўжановнинг уйқуси келмайди. Ахир у ўша тунда 2 шиша ароқни ичиб бўлишганидан сўнг, яна бир хизматдан қайтганни кўргани равона бўлганидан кейин Раҳматни кўрмаганини айтиб турибди.

М. Худойназаровнинг ўғлини қидирмаган жойи қолмади. Хуллас, у ўша куни кечқурун келиб, ўз уйига кетганидан хабари бор. Мана, 8 йилдирки, у хотини ва болалари билан алоҳида турарди. Хотини ҳам эрини тунда келмаганидан хавотир олди ва балки навбатчилик қилгандир, деб қўйди. Аммо 2 кун ўтгач, қайнотасига бориб додини айтди. Ота ўғлини билган, у билан бирга бўлганларни тинч қўймади. Аммо ҳеч ким Раҳматни кўрдим, дея олмайди. Ҳатто ёмон хаёлларга бориб, ариқ ёқаларини, шу орадаги қир-адирларни ҳам кўздан кечириб чиқишди. Афсуски, ҳамма ҳаракати зоя кетаверди. Милицияга бориб учрашди. Фарзандининг бирдан ғойиб бўлиб қолгани ва уни топиб беришларини сўраб, Навоий ноҳия прокуратурасига мурожаат этди. Ҳамма оёққа турди-ю, аммо Навоий паррандачилик фабрикасининг ишчиси Р. Худойназаровдан дарак йўқ. Бамисоли, у сувга чўккан тошдек бирдан ҳамманинг кўз ўнгида ғойиб бўлганди.

Шу қидир-қидир билан Худойназаров оиласи янги йилни ҳам кутиб олишди. Аммо у бу хонадонга бахт ўрнига ташвиш ва ғам келтирди. Туппа-тузук ишлаб юрган одамнинг ҳе йўқ, бе йўқ кўринмай қолиши қизиқ бўларкан. Ҳозирги кунда мўмин-қобил юрган йигит ўз-ўзидан бирор жойга гангиб кетишини ҳеч ким ақлига сиғдира олмайди. Бирор узоқроқ қариндошиникига меҳмонга боргандир, деган уйга ҳам бориш мумкин. Ким билади, балки биров билан жанжаллашиб, қаерлардадир сангиб юргандир!

1989 йилнинг иккинчи ҳафтаси охирида М. Худойназаровга ўғлининг мурдаси топилгани ҳақида хабар беришди. Ота учун фарзандини йўқотиш қанчалик оғир эканлигини сўз билан ифодалаш қийин. Аммо тақдир уни аяб ўтирмади. Раҳматни тирик кўраман, деган ота уни ваҳшийларча ўлдирилганлигини билганда дод, деганча ҳушидан кетишига оз қолди.

Қотилликдан хабар топган Навоий ноҳия прокуратураси жиноий иш қўзғаб, айбдорни излашга тушди. Раҳматни сўнгги бор кўрган, у билан бирга ароқ ичган шахслар қайта сўроқ қилинди. Марҳумнинг қўшнилари, у ишдан қайтгач, борган хонадондан чиқиб, яна қаерга боришии ва кимникига кириши эҳтимоли қайта-қайта аниқлаб чиқилди. Аммо бу текширишларнинг барчаси кутилган натижани бермади. Бирор шахсни қотилликда айблаш учун ҳеч қандай асос йўқ.

Бу мудҳиш воқеанинг тагига етмаёқ, ноҳия марказий касалхонасида юз берган яна бир ўлим ҳаммани ларзага келтирди. Автомобиль ҳалокатидан сўнг даволанаётган Навоий паррандачилик фабрикасининг ҳайдовчиси Эргаш Рўзиев шу ерда шифо топаётган хотини Фароғатни бошига темир билан уриб, унинг ёш умрига зомин бўлди.

— Бўлар иш бўлди, энди ҳаммасини ўзим айтиб бераман, — деганча у милиция ходимларига мурожаат этади.

Агар эътибор берган бўлсангиз, худди шу ерда бу икки қотилликда бир одам айбдор эмасми, деган гумон пайдо бўлиши турган гап. Ҳақиқатан ҳам Эргаш Рўзиев ўзи билан бирга ишлайдиган Р. Худойназаровни ва Ф. Рўзиевани ваҳшийларча ўлдирганлигини тан олди.

* * *

...Ўша куни Эргаш уйига озроқ ичиб қайтганди. У хотинининг ҳурматини ҳар доим ҳам ўз ўрнига қўймай, уни бот-бот ноҳақ ҳақорат қилиб турарди. Ораларидаги уч фарзанд ҳам унинг турмуш ўртоғига бўлган меҳрини илита олмади. Икковининг салкам 10 йиллик биргаликдаги умри алғов-далғовли ўтганлигидан кўпчилик огоҳ. Қизнинг отаси 2-3 марта эри билан жанжаллашиб, аразлаб келганини эслайди. Аммо ҳар сафар ҳам уларни муроса қилишга, яхши кунлари ҳали олдинда эканлигини англатиб, умид билан келин бўлиб тушган хонадонига қайтариб юборган. Фароғат турмуш ўртоғининг телба-тескари гапларини ўзига унчалик олмай, оғир ётган қайнонасига ҳамдард бўлишга, унинг мушкулини осон этишга ўзини бағишларди. Икки ўртада ҳар қанча гап ўтса ҳам ичига ютиб, бир-биридан ширин уч ўғил ва қизга ҳаёт ато этди.

Фожиа бошланган оқшом онасини кўришга ўтган қўшниларини жўнатган Эргаш ҳовлида хотинига рўпара келиб қолади.

— Сиз болаларни олдинга кириб туринг, мен бориб бийимнинг жойини алмаштириб келаман, — дейди Фароғат. Эргаш хотинига бир нима демай уйга киради-ю, мўрининг тирсагини тўғрилаб, ёнилғи тўкилган жойини латта билан артади. Бундан қўли ифлос бўлгач, уни совун билан ювиш мақсадида ташқарига чиқади. Шу кезда қайси кўз билан кўрсинки, онасининг олдига кираман деган хотинини негадир молхона олдида учратиб, ундан;

— Қаердан келяпсан? — деб сўрайди.

— Бузоқни боғлаб қайтяпман, — дейди хотини. Аммо Фароғатнинг бу сўзлари унинг қулоғига кирмай, ўзи молхона томон юра бошлайди. Шунда хотини яна унга ўгирилиб:

— Молхонага бориб овора бўлиб ўтирманг, мен ўзим боғлаб қўйдим, — деганча уйга кириб кетади.

Ҳарқалай, Эргаш хотинининг бу сўзларидан қониқиш ҳосил қилмай унинг ўзи ҳам моллардан хабар олиш ниятида оғилга киради-ю, ҳеч кутмаган тасодифнинг устидан чиқади. Унинг нигоҳи хашак устида шимсиз, ички кийимда ярим яланғоч ётган таниши Раҳмат Худойназаровга тушади.

— И-е, Раҳмат, сен бу ерда нима қилиб ётибсан? — дея овоз чиқаради. «Кутилмаган меҳмон» бўлса гандираклаганча шимини оёғига илиб, пайпоғини чўнтагига солишга ҳаракат қилади. Бу ҳол Эргашнинг иззат-нафсига тегиб, уни ҳақорат қилганча, бировнинг молхонасида нима қилиб юрганини суриштира бошлайди. Раҳмат ғўлдираб, шу дамда унга бир тайинли гап айта олмайди ва эшик томон юради. Бундай бокй-беғамликдан Эргашнинг сочи тикка бўлиб, Раҳматни тутиб оларкан, наҳотки унинг хотини билан хуфёна алоқаси бўлса, деган гумон миясига гуп этиб уриладию, кўзига ҳеч нима кўринмай қолади. «А-ҳа, демак, хотиним мени уйга киргизиб, ўзи хуштори ёнига отланган», деган ўй бошини чархлай бошлади. Шунда ўз ҳаракатларини оқилона бошқара олмай, рашк ва шубҳа ўти устида қўлига илинган темир дастали болта билан бир неча бор «хотинини ўйнашининг дуч келган жойига тушира бошлайди. Бу оғир зарбдан Раҳмат ҳатто овоз чиқаришга улгурмайди. Кўзи қонга тўлган Эргаш бир зумда «ўз ўлжасини» ер билан битта қилиб қўйганди.

У молхонадан чиқиб, хотини олдига югуриб борганча уни сўроққа тутади. Ҳозиргина қайси эркак билан бўлганлигини, уйга ким келганлигини айтишни талаб этади. Ички кийимларини ечиб, ўзича текшириш ўтказади ва унга ташланиб дуч келган ерига мушт тушира бошлайди. Жуфти ҳалолини бузиқдан олиб, бузиқига солади. Кўзи қонга тўлиб, уни бевафоликда айблайди. Буни эса шундайлигича қолдира олмаслигини баён этади.

У бир ҳолда тун ярмидан оққанда ташқарига чиқиб, молхонага қайтиб киради ва қонга беланиб ётган Раҳматнинг танаси совий бошлаганини билиб, мурдани бир ёқлик қилиш пайига тушади. Унинг хаёлига ҳозирча жасадни шу яқин орага кўмиб қўйишдек ёвуз режа келади. Аксига олиб шу ўй «устун» чиқади. Эргаш кетмон олиб этни жунжитадиган қиш аёзини ҳам сезмай молхона орқасидан яширинча қабр ковлайди. Бир метр чуқурликдаги хандақ пайдо бўлгач, у орқасига қайтади ва молхонада ётган жасадни судраб олиб чиқадию кўмиб қўяди. Шундан сўнг ҳеч нима бўлмагандек ўрнига кириб ётаверади.

Аммо эртасига қўни-қўшниларнинг безовта бўлаётгани, тундаги қотиллики бир кунмас бир кун уни қамоққа тиқишидан чўчиди шекилли, 1989 йил 14 январь куни тунги соат 24 ларда ўзи кўмиб қўйган жасадни ковлаб олади. Акасига тегишли «Москвич» машинасининг юкхонасига мурда жойланади. Тунги алағовурда уйғониб қолган отаси ўғлининг ҳовлида ивирсиб юрганини кўриб;

— Эргаш, тунда нега безовта бўляпсан, — дея сўрайди.

— Хавотир олманг, ота, бир одамдан шифер олишга келишиб қўйгандим, шуни гаплашиб келишим керак, — дейди у бамайлихотир.

Машинани ўт олдирар экан, Эргаш кейинги режаларини туза бошлайди. Нима қилса, тезроқ мурдадан қутилади? Нима бўлса ҳам бу хатти-ҳаракатини ҳеч ким сезмаслиги керак. Агар биров билиб қолса борми, ҳолига маймунлар йиғлайди-я! Эргаш шу ножўя ўй-фикрлар билан машинани катта йўлга олиб чиқди. Уни нега Самарқанд томонга бурганини ўзи ҳам англай олмади. Албатта ўша тунда уни машинада кўрганлар бўлиши мумкин. Аммо ҳамма қотилликнинг бунчалик даҳшатли тус олаётганидан бехабар эди. Чунки ҳамма ўз ташвишлари билан банд. Эргаш бўлса қонли изларини йўқотиш ниятида енгил машинани қувиб борарди.

Ўша дамда унинг хаёлларидан нима кечганини ҳозир тиклаш қийин. Зеро, бунинг иложи ҳам йўқ. Чунки тун оғушида уни рашк балоси, хотинига ишонмаслик ҳисси чулғаб олганди. Фароғат билан қанча яшаган бўлса, шунча йиллар унга хиёнат қилиб келган деган бўлмағур хаёлларга эрк бериб, ўзининг ҳаракатини оқлаган бўлса ҳам ажаб эмас. «Бировнинг хотинига ёмон қараган ҳар қандай кимсанинг аҳволи шу бўлади», дея ўзининг хатти-ҳаракатини маъқуллаган чиқар? Афсуски, турмуш ўртоғига бўлган шубҳаси боис одам ўлдиргани, Фароғатни туну-кун қистовга олиш билан, уни бошқа эркак билан алоқада бўлганлигини бўйнига қўйишдек пасткашлик орқали тубан кетган шахсни инсон бандаси кечира олмаса керак?!

Ҳамма дунёда яхши яшашни, ўзи севган ёр билан турмушда бўлиб, ширин оила қуришни ният қилади. Бўлар-бўлмасга хонадонини азоб ўчоғига айлантириш зарурми? Бизнингча, эр-хотиннинг бир-бирига бўлган ишончи ҳар нарсадан устун туриши лозим. Агар кимгадир ишонч йўқолса, никоҳни бекор этиш, бошқа одам билан турмуш қуриш ҳоллари қонунда ҳам кўзда тутилган-ку! Наҳотки, бу оилавий можарони тинч йўл билан ҳал этишнинг иложи топилмаган бўлса? Нега, Эргаш ана шуни ўйлаб кўрмади? Унинг қалбини кемирган ўринсиз рашк ва шубҳани тинч йўл билан ҳал этса бўларди-ку! Аксинча, бунинг ўрнига хотинидан унга хиёнат этганлигини тан олдириш билан куни ўтди. Йигитнинг ўта бемаъни хатти-ҳаракатлари уни қотилликка бошлади. Ўша кезда буни Эргаш тушуниб етдими, буни ҳозир аниқлаш амри маҳол. Бизнингча, у бу ҳақда бирор марта бош қотирмаган бўлса керак.

* * *

Тун оғушида машиналар сийрак бўлади. Серқатнов йўл бўлса ҳам аёзли январь оқшомида транспортларнинг чироғи кўринмасди. Эргаш машинани тўхтатиб, бир зум кутиб турди. Балки, кимдир ўтиб, унинг нега бу ерда тўхтаб қолганлиги билан қизиқар. Аммо у қанча кутмасин ҳеч ким кўринмади. Шундан сўнг машинадан тушиб зудлик билан «иш»га киришди. «Москвич»нинг юкхонасини очиб, Раҳматнинг айний бошлаган мурдасини базўр олиб ерга қўйди. У шу онда бу — ортиқча юкни нима қилишни билмай боши қотиб қолганди. Хаёлига келган ёвуз фикр уни «қутқарди». Эргаш брезентга ўралган жасадни тош йўлдан пастга судраб туширди. Устига озроқ бензин қуйганча чўнтагидаги гугуртни олиб, уни чаққанича кўзига балодек кўриниб турган мурдага иргитди. Бир зумда салкам бир ойдан бери унга тинчлик бермай келаётган бир бечоранинг жонсиз танаси ловуллаб ёна бошлади.

Эргаш бу ердан тезроқ жуфтакни ростлаш мақсадида машинани ўт олдириб, ҳозир ўзи келган тарафга бурилди. У йўлда бора туриб, орқасига ва олдига тез-тез кўз ташлаб турарди. Унинг қаршисидаги ойнада фақат йўл четидаги аланга кўринарди, холос.

Эртасига Самарқанд—Бухоро тош йўлининг 191-километрида ёниб кетган мурда бўйича Навоий ноҳия прокуратураси жиноий иш қўзғади. Яна ҳаловат йўқолди. Ҳуқуқ-тартибот ходимлари туну-кун қотилни излашарди. Аммо тунги фожианинг илдизини топиш чигаллигича қолди.

Бу воқеадан 2 кун ўтар-ўтмас хотини билан бирга акасининг машинасида бораётган Эргаш йўл ҳалокатига учрайди-ю, иккови ҳам Навоий ноҳия марказий касалхонасига тушади. Хотини травматология бўлимининг 5-хонасига, у эса 4-хонага жойлаштирилади. 18 январь куни тунги 22.30 да у Фароғатни чақириб, ундан совун ва тароқ олиб чиқишни сўрайди, қаерда ювиниш мумкинлигини билиб, хотинини ўша томонга бошлайди. Аксига олиб шу дамда ҳам Эргаш хотинини сиқувга олишини қўймайди. Уни ким билан жинсий алоқада бўлганлиги, унга неча бор хиёнат қилганлигини аниқ айтишни талаб этади. Фароғат кўз очиб кўрган эридан бошқа эркакни билмаслигини илгари ҳам бир неча бор айтганди. Бу сафар ҳам ўз сўзида турди. Турмуш ўртоғига ётиғи билан ақлини йиғиб олишни, болалари ҳурмати уни қийнамай, бўлар-бўлмасга ғавғо кўтармасликни ўтиниб сўради. Хотинининг ялиниб-ёлворишини Эргаш бошқача тушунади, шекилли. Агар шундай бўлмаса, у ювиниб, ўз дардига шифо топса айни кўнгилдагидек иш бўларди. Аммо бир бор қотиллик қилиб, «анча қўли келиб қолган» Эргаш бу сафар ҳам ўзининг ёвуз ниятларини амалга ошириш кўйида эканлиги тез орада маълум бўлиб қолди. Ҳеч ким йўқлиги ва борган сари тун зулмати оғирлашаётганини англаган Эргаш ерда ётган бурама темир бўлаги билан ёнида беозор эрига тикилиб турган жуфти ҳалолининг бошига ура бошлайди. Кўзлари қонга тўлган йигитнинг зарблари ўз ишини қилганди. Фароғатнинг аянчли қичқириғига шу атрофдагилар югуриб келишса-да, ҳеч ким қотилнинг қўлини ушлаб, унинг ўлжасига айланган аёлни қутқариб қолишга журъат этмайди. Ҳамма фожиали воқеанинг томошабини бўлишдан нарига ўтаолмайди.

Дастлабки сўроқдаёқ Э. Рўзиев ҳар икки ўлимга ҳам унинг ёлғиз ўзи сабабчи эканлигини бўйнига олди. У Раҳматни молхонасида маст ҳолда гандираклаб юргани учун қўрқитиб қўймоқчи бўлганлиги ва хотини билан алоқада бўлганликда гумон қилиб бехосдан ўлдириб қўйганини айтади. Ўз қилмишини яшириб юришининг боиси эса жазодан қутулиб қолиш бўлиб чиқади. Мурдани ёқиб юбориш масаласига келганда у буни истамаганди, аммо қўни-қўшниларнинг безовта бўлиши, барибир бир кун келиб унинг молхонаси орқасидаги қалбаки қабр фош бўлишидан қўрқиб, шу йўл билан қутилмоқчи бўлганлигини тан олди. Аммо жасадни ёқиб юбориш борасида бир оз чалкашлик бўлганлиги, аниқроғи машинадаги мурдага бензин тўкилган ва пастга тушириб уни қандай ётганлигини кўриш мақсадида гугурт чаққанда у олов олиб кетганлигини ҳикоя қилиб беради. Энг сўнггиси — Фароғатни нега уриб ўлдирганлигини эса бирор жўяли сўз билан баён этолмайди. Чунки бунга унинг асосли далили йўқ. Бор фикри-зикри — гумон ва рашк шубҳаси билан тўлиб-тошганди. У ўз хотинининг ёш умрига зомин ва 3 фарзандини етим қолдириш билан мурод-мақсадига етмоқчи бўлди. Афсуски...

— Укамнинг гуноҳини оқлай олмайман, — дейди судда Эргашнинг опаси Ойдин Рўзиева, — келинимни яхши билардим. Уни ҳалол ва покиза аёл сифатида ҳурмат қилардим. Айниқса, касал онамиз олдида парвона бўлаётганидан биз беҳад қувонардик. Укамнинг хотинига азоб бериб юргани бизни ҳам ташвишга соларди. Шунингдек, Эргашнинг хотинини бошқалардан рашк қилиб, уни аҳлоқий нопок дейишига асло қўшила олмайман. Аёл сифатида унинг ўз эрига содиқлигига кафилман. Дастлабки қўшилган кунларидаги Эргашнинг ўйламай айтган сўзлари ҳам қалбимни кемирганди.

Тақдир шунчалик бешафқатки, келинининг бевақт ўлимини эшитган Эргашнинг онаси уч кун ўтмаёқ бандаликни бажо келтирди. 85 ёшли қотилнинг отаси ҳам бу кўргиликни кўтара олмади. Хуллас, эндигина 30 ни қоралаган йигитнинг ўйламай қўйган ножўя қадамлари бу оилани алғов-далғов қилиб юборди. Унинг чирқираб қолган уч гўдаги энди кимни «она» деб чақиради? Кимга «ота» дейди? Уларнинг мурғак бошини силайдиган Эргаш бўлса энди узоқ муддатли қамоқда! Хайрият, акаси Бобоқул Рўзиев етимларни кўчада тентиратиб қўймади. Ўзининг 7 нафар фарзанди сафига уларни ҳам қўшиб олишга аҳд қилди.

К. НУРМАТОВ,
Самарқанд вилоят судининг аъзоси.
И. УСМОНОВ.

ҲАР САФАР қишлоққа қайтишимда, қанот чиқариб учгим келади. Туғилган тупроғим, қон-қариндошларим, кичкинагина қишлоғимнинг УЛКАН соғинчи, ўқдай учиб бораётган поезднинг тезлигига қаноат қилгиси келмайди...

Қайтишимда... Қайтишимда эса, эзилиб, бошимни қай деворга уришни билмай, СОДДА ҳамқишлоқларимнинг СОДДА саволларидан қочиб келаман... Шаҳарга қайтгач, иссиғу-совуқ сувигача муҳайё бўлган ижара уйимни ичидан қулфлаб йиғлагим келади. Кўз ёшларим тошга айланиб қолган. Улар кўзларимдан сачраб кетиш ўрнига, юрагимга юмалайди! Шўрлик юрагим...

Ҳамқишлоқларим олдида ўзимни гуноҳкор сезаман. Уларнинг СОДДА саволларига жавоб топа олмаганим сабаб, оғирларини енгил қила олмаганим сабаб, ўзга шаҳру-кентлардаги юртдошларимнинг дарду-ғамларини олиб чиқолганим, рўзнома саҳифаларида улар ҳақида ёза олмаганим сабаб!

Сабаб, андиша!

Сабаб, юз-юзга тушади!

Сабаб, қайтар эшигингни қаттиқ ёпма!

Сабаб, туғишганларим юзини «ерга қаратмаслик»! Уларнинг йўлларига «ғовлар» қўйилишидан сақлаш!

Сабаб... Сабаб... Сабаб..

Момом пешонамни силаб айтган «эртак»ларни эслайман: «Сойнинг икки бети уй бўлгучийди. Қишлоқнинг у бошидан томга чиқсанг, бу бошидан тушиб кетардинг... Кейин колхуз туздик... Кейин пахтакор ерларга кўчиришди... Кейин...»

...Бобомни тузилган жамоа хўжалигининг биринчи раиси бўлган дейишади. Кейин сипоҳи бўлган... Кейин ўттиз тўққиз ёшида... Нима учун!? Нола юрагимни тешиб ўтади! Ким учун!? Жавобсиз сўроқ кўксимга ханжар бўлиб санчилади...

Самарқанд вилоятининг, Хатирчи ноҳиясида Олтинсой номи билан аталувчи давлат хўжалиги бор. (Эътибор беринг: ОЛТИН-СОЙ!) Ана шу давлат хўжалиги марказидан бор-йўғи етти-саккиз чақирим узоқликда менинг қон-қариндошларим яшайдиган Бахшижар, Қўпайи қишлоқлари жойлашган. Шу икки қишлоқ бағридаги бир юзу йигирмадан ошиқ оилада, етти юз атрофида аҳоли яшайди. Улар ҳаётларидан рози. Чала бўлса-да қоринлари тўқ, ямоқ бўлса-да устлари бут. Машина, мотоцикл бор баъзиларида. Тўй қилишса, улоқ беришади. Уч-тўрт чавандоз йигит бор. Қўшни қишлоқлардан келишади.

Момом «эртаги»ни давом эттиради: «Бобом беш юз отни орасидан улоқни олиб чиққани учун, Бухоро Амири тўн ёпган экан...»

Отам от минмайди. Мен йиқилишдан қўрқаман. Етти юз аҳолиси бор қишлоқда санасанг етти чавандоз йўқ! Энди кўпкарида беш юз-минг от йиғилмайди. Ўттиз, қирқ, ошиб борса эллик. Давлатга гўшт керак! Отлар камайиб кетди. От минадиган мардлар ҳам...

Қўш қишлоқда ҳам ҳаёт осойишта. Борсам сўраб қолишади. «Тошканда майиз қанча?» Ерга қарайман. Уларга шаҳар янгиликлари ҳақида, халқимиз энди-энди ўз қадриятларини таниб бораётгани ҳақида, жумҳуриятимиз хўжалик ҳисобига ўтса, ер ости-ю, ер усти бойликларимиз ўзимизга қолиши ҳақида гапиргим келади. Хона бурчагига уйилган таппини кўриб тилимни тишлайман.

Момом «эртак» айтади: «Аввал бойнинг калтагини ердик. Кейин босмачи чиқди... Кейин аскар... Ким талаб, ким ҳимоя қилгани ёлғиз яратганга аён. Биз, униси келса ҳам, буниси келса ҳам бекиниб олардик...»

Ҳамқишлоқларим хурсанд. Қишлоқ йўли асфальт бўлибди. Ҳар сафар борганимда, «шу йўлни боплаб бир «Муштум»га ургин» дейишарди. Ҳеч қўлим тегмасди. Тўғриси, ёзганим билан фойдасиз деб ўйлардим. Энди бўлса, йўл қуриб битказилибди. Ҳавасинг келади. Ойнадек, теп-текис. Ишчи-деҳқон инқилобининг ғалабасига ҳам етмиш йилдан ошиб қолди... Қишлоқдошларим хурсанд. (Йўл учун бир неча марта пул йиғилгани ҳам унут бўлган). Яқинда автобус юра бошлабди. Давлатдан яна бирор нарса сўраш... уят эмасми?..

Тоғликлар жуда ориятли келади. Ўз қўллари билан берган нарсани сўрашга ор қилишади-ю, аммо, диёнат, меҳр-оқибат кучли уларда. Ҳурмат ҳам. Айниқса, катталарни қаттиқ эъзозлашади. «Ўзингдан каттага тик гапириш, шаккоклик» деб тарбия беришади болаларига. Раҳбар ҳам оқсоқол ўрнига ўтадида-а? Уям каттада! Мени эса, ана шу азалий удумни бузиб шаккоклик қилгим келаверади...

Етмишинчи йилларнинг ўрталарида икки қишлоқнинг болалари учун ҳам қулай жойдан мактаб қурилди. Тўғрироғи, қуришди. Рухсат беришгани учун «катталарга» минг раҳмат! Икки қишлоқ аҳолиси лой тепиб, пахса девор урди. Пул йиғиб, қурилиш учун майда-чуйда. Томини ёпишга келганда ёғоч етмай қолди. Ўлимдан бошқа ҳамма нарсанинг иложи бор дейишгани рост экан. Эски қўтонни бузиб, ёғочи билан мактабни ёпиб юборишди. Ҳозир бир юз қирқ бола ўқийди ўша мактабда. Ҳар йили бир неча марта оқлангани учун бўлса керак, узоқдан чиройли кўринади. Бинонинг йўлаги ўйдим-чуқур бўлгани билан, синфхоналарига тахта қоқилган. Шунисига ҳам шукур... Яқинда давлат янги мактаб қуриб берармиш дейишяпти... яна ким билади.

Момом эртак айтишни хуш кўради: «Қишлоқ бойларининг сурув-сурув қўйлари бўларди. Адир кўп. Мол эса адирдан ҳам... Камбағалнинг молига ўтлатгани жой йўқ...»

Икки қишлоқдан бор-йўғи етмишдан ошиқ одам ижтимоий фойдали меҳнат билан банд. (Уларнинг орасида икки юз сўм ойлик оладиган ўқитувчидан тортиб, ўн сўм оладиган давлат хўжалиги ишчисигача киради.) Агар ҳаммаларининг маоши бир қилиб ҳисобланса, (Ишловчи одамларнинг ўзларига!) оладиганлари йигирма сўмга етмаса керак! Ойликчиларнинг тўрттаси хотин қизларга мансуб. (Икки мактаб фарроши, бир шафқат ҳамшираси ва ўқитувчи опамиз.) Қишлоқнинг қолган хотин-қизлари... яшашаяпти... бир нави...

Бирда ҳамкасблар билан суҳбатлашиб қолдик. Кимдир қишлоғидан чиққан олима, шоира, яна кимдир машҳур арбоблар ҳақида фахр билан сўзлади. Мен эса, Ишчи-Деҳқон инқилоби сўнггида, бор-йўғи уч қиз билим юрти ва бир қизимиз олий ўқув юртига кирганини айтдим. Ҳамкасбларим аския қилаяпти, деб ўйлашди, шекилли. Роса қийқириб кулишди. Ўзимдан ўзим шубҳаланиб



кетдим. Ростдам ҳам тўрт қизмикан-а? Балки, бештадир?...

Қишлоқдошларимнинг иқтисодий аҳволлари ЎТА НОЧОР деёлмайман. Баъзиларида ўн-ўн беш, баъзиларида уч-тўрт туёқ бор. Пул керак бўлса бозорга ҳайдашади, гўшт керак бўлса, сўйишади. Авваллари кўпроқ мол қилишарди. Кейин у ҳам режага тушди. Энди яна қанча боқсанг ўзингда ихтиёр дейишяпти. Адир бўлса кўп. Шунга яраша мол ҳам. Шу икки қишлоқнинг ўзида давлатнинг уч сурув қўйи боқилади. Ҳар сурувда беш юздан туёқ бўлса, бир ярим минг... Бунинг устига одамлар ҳам молларини кўпайтиришса... Томда мол боқиб бўлмаса...

Қишлоқдошларимнинг тирикчилик манбаларидан яна бири: узумзорлар. Бирида ўн сотих бўлса, яна бирида бир гектар, бошқаларида ундан ҳам кўпроқ. Уларнинг ишлаш мезонлари ҳам, худди ижара пудратиға ўхшаш. Ўзлари очиб ўзлари кўмишади. Суғориши-ю парвариши ҳам ўз зиммаларида. Ижарачилардан фарқи, йил ўн икки ой иш ҳақи олмайдилар. Ҳосил етила бошлагандан, қишлоққа солиқчилар оралайди. Сотихига, ҳосилига қараб шартнома тузилади. Узум узилиб қуритилгач, чекларига тушганини давлатга топширишади. Ортиқчаси ўзлариники. Хоҳлашса ейишади, хоҳласа сотишади. Айни ғалвир сувдан кўтарилган маҳалда, қишлоққа магазинчи-ю савдогар, ширкатчи-ю тайёрловчилар танда қўйишади. Савдогар келиб битта коса ёки чойнакни икки-уч кило майизга алмаштирса, (Ваҳоланки, яхши бир кило майиз бозорда беш-олти сўм!) тайёрловчи арзонроқ олишга ҳаракат қилади. Ишқилиб ҳар ким эплаганича юлади...

Давлатга топширилганига ҳам пул олишади, албатта. Лекин бозордагидай олти сўмдан эмас, бир сўм саксон тийин, боринг-ки, икки сўм. Нега энди?! Чунки, давлат хўжалиги Озиқ-овқат ҳаракатномасини бажаришга ҳисса қўшиши керак, қолаверса, режа дегандай... Озиқ-овқат ҳаракатномаси кимники?! Режа-чи? Давлатникида!! Давлат-чи, давлат кимники!!?...

Момомнинг «эртак»лари умидбахш: «Ўлмаган қул кўради деганлари шу бўлса керак. Мана шу кунларга ҳам етиб келдик. Асфалтини-ю автобусини кўрдик. Энди газ билан исийдиган уйларда, совуқ бўлсаям, тоза сув ичиб, оёқни узатиб ётадиган кунларга ҳам етиб қолармиз...»

Қупайиликлар ҳар ҳолда сув бошига яқинроқ туришади. Бахшижарликлар эса, баҳор ойларидан ташқари вақтда, ким машинада, ким мотоцикл-у ким эшакда сув ташишади. Нима? Ювинишга-чи, дейсизми??... Ҳа энди қишлоқ жойда... театрга боришармиди... Яна ўйланиб қоламан. Момом саксонга кирганлар, яна саксон йил умр кўрармикинлар-а?!...

Биламан, дардни дастурхон қилган билан бирор нарса ўзгариб қолмайди. «Қишлоқ ва шаҳар ўртасидаги фарқ йўқолиб бораётганлиги» ҳақида бақирмоқ тугул, томоғинг йиртилиб кетса ҳам, фойдасиз. Ундан кўра нима қилса яхшироқ бўлиши ҳақида ўйлаб кўриш лозим. Балки, қишлоқ маданиятини «юксалтиришни», қишлоқликларни доимий иш жойи билан таъминлашдан бошлаш керакдир? Дейлик, бирорта цех ёки бирор заводнинг филиалини қуриб кўрилса. Мана масалан, мева шарбати тайёрлаш, қуруқ меваларни қайта ишлаш... дегандай. Қуриш учун ер бор. Маҳсулот... тўрт ой ёзда одамларнинг боғидаги қанчадан-қанча олма-ю беҳи, олча-ю ўрик, шафтоли-ю узум қушларга ем бўлади. Қолганини ҳам қуритишга улгуришмаса, тўкилиб, чириб кетади. Ёки бирор учар савдогар келиб сув текинга илиб кетади. Бекорга нест-нобуд бўлгандан кўра арзон бўлсаям ҳарна-да... Агар ўша цех қурилсачи? Ҳам халқнинг, ҳам давлатнинг ҳамёнига фойда бўлмайдими?! Қолаверса, бугун даҳшатли даражада ўсиб бораётган ишсизлар сони ҳам, оз бўлсада камаярмиди? Шу сатрларни қоғозга тушираяпман-у, ноҳия, хўжалик раҳбарларининг қандай жавоб беришларини аниқ ҳис қилиб турибман. «Сен айтган гапларни биз ҳам биламиз. Маблағчи, маблағ! — дейишади, ҳойнаҳой. — Цех қуриш учун маблағни ким беради?!» Ахир донишмандлар «Қаловини топсанг қор ёнар» деб бекорга айтишмагандир.

Қолаверса, қишлоқ хотин-қизларининг ҳаммаси бичиш-тикиш ишларини билади. Ҳеч бўлмаса, цех учун маблағ топилмаса, кичкинагина бир марказ ташкил қилиниб, хотин-қизларни уйларида ишлаш учун хом ашё билан таъминлаб турса, кийим-кечак, кўрпа-тўшак, чопон... дегандай. Уйларида ҳам қилаверишади, ўша ижтимоий фойдали меҳнатни. Ахир бундан уч-тўрт йил олдин, хўжаликда рўмол тўқиш цехи ташкил қилинганда, етти-саккиз чақиримдан қатнаб ҳам ишлашганди-ку. Кейин хўжалик зиммасига олган мажбуриятни ўз вақтида бажараолмадими ёки бошқа сабаб... цех фойда ўрнига зарар келтиргани учун тугатилди. Лекин ўшанда қатнаб ишлаган ўн беш-йигирма чоғлик қиз ўрганган ҳунарни, бугун қишлоқдаги ҳамма хотин-қизлар ўзлаштириб олганлар. Энди улар нафақат рўмол, балки, жемпер, шарф, қалпоқ ва ҳоказолар ҳам тўқишади. Тўқишганда ҳам унақа бунақа эмас. Кўрган кўзни қувнатгудай... Лекин ўзлари тўқиган нарсаларни бозорга олиб чиқишса... мумкин эмас. Қонун рухсат бермайди... Майли, ҳеч бўлмаса, марказ ҳам эмас, бирорта тўқувчилик ширкати ташкил қилинса-ю, ўша ширкат ўз аъзоларини жун билан таъминлаб турса, жумҳуриятимизнинг уч-тўрт шаҳрида ўз дўкони бўлса. Ўзлари ишлаб чиққан маҳсулотни ўзлари сотишса. Ҳам аҳолининг эҳтиёжи қондирилган бўларди, ҳам ишсизликнинг пойига болта уриларди, ҳам иқтисодий фойда...

Яна, ғишт заводи қуриш мумкин. Бу учун ер ҳам, имконият ҳам, ортиғи билан ишчи кучи ҳам бор. Аҳолининг ғиштга бўлган эҳтиёжини таърифлаб ўтиришнинг ҳожати йўқ. Айниқса, жамоа ва давлат хўжаликларида ер берила бошлаган бугунги кунда, қурилиш хом-ашёсининг нархи осмонга чиқиб кетди. Одамлар... олишяпти. Ер текканига хурсанд. Мақтаниб ҳам қўйишади. «Давлат ер бераяпти, ер!» — дейишади. Ҳайрон қоласан киши. Ер кимники ўзи? Албатта, давлатники-да! Давлатчи, давлат кимники, ахир?!!... Раҳбарларникими ёки...

Мақсаддан четлашиб кетдим, шекилли. Лекин бу муаммони ҳам айтмасликнинг иложи йўқ. Ахир неча йилдан бери навбатда турган деҳқон (ёки ишчи), орзусига етиб, ерли бўлса-ю, иморат қилиш учун кучи етмаса. Қаердан ҳам кучи етсин. Шифер, ёғоч, тахта, цемент... ҳаммасини нархи осмонда бўлса. Давлат нархи уч ёки беш сўм бўлган ходани ўн-ўн беш сўмга топасан...

Мен икки кичик қишлоқнинг КАТТА ДАРДЛАРИНИ баҳоли қудрат очишга ҳаракат қилдим. Қаламга олинган муаммолар, камчиликлар аввал ҳам бор эди, ҳозир ҳам, агар шундай яшайверсак, бундан кейин ҳам бўлаверади... албатта! Ушбу мақолани ёзиш учун на далил йиғдим, на бирор масъулдан рухсат... Ҳаммаси ўзим кўрган, бошимдан ўтказганим, кафтда тургандек аниқ муаммолар. Фақат ана шу ҚИШЛОҚ КЎКСИДАГИ ОҒРИҚНИНГ давосини, муаммоларнинг ечимини топиш учун бирор кишига учрашсаммикин?.. Балки, ёшлар билан маслаҳатлашсаммикин?.. Комсомол бирор ташаббус билан чиқар, ҳар ҳолда бугунги комсомол билан, кечаги комсомолнинг ўртасида ер билан осмонча фарқ бор-ку, деган ўйда эдим. Во дариғ, шу оддийгина нарса эътиборимдан четда қолган экан. Бу қишлоқларда бир неча юз ёш-яланг бўлишига қарамасдан (Ахир мактабда ҳаммаси ҳам комсомол сафига қабул қилинган-ку!), комсомолнинг энг кичик ячейкаси ҳам йўқ!... «Бундан уч-тўрт йил олдин бир қиз келиб бадал учун пул йиғиб кетган эди», дейди қишлоқ ўқитувчиси... Хаёлимга, балки, давлат хўжалиги марказига тушиш керакдир, деган фикр келди. Ҳеч бўлмаса марказда ташкилот бордир?!

Йўлда учрашиб қолган йигит (синфдош-дўстим)дан, давлат хўжалигидаги комсомол ташкилотининг фаолияти ҳақида суриштирдим. «Бор. Яқинда янги котиб сайламоқчи эдик... Аввалги котибимиз бошқа ишга ўтганди...» Яна ноҳақлик!» Сайловда уч номзод кўрсатилган экан. Бири рўйхатга олиш учун етарли овоз ололмабди, бири ўз номзодини олган. Ўз-ўзидан аниқ-ки, учинчиси сайланган. Унда нега ноҳақлик дедим? Чунки, ташкилот аъзолари томонидан сайлаб қўйилган делегатларнинг ярми ҳам қатнашмаган сайловда! Демак, сайлов ўтказиш мумкин бўлмаган! У ерда эса, делегат бўлмаган кишилар сайловга киргизилиб делегат сифатида рўйхатга олинган. Овоз берувчилар сони... Нима ҳам дердик... Сайловда кам овоз олган номзод, бу қинғирликни билиб қолибди... энди қайта сайлов ўтказилар экан. Фақат номзоди кўрсатилган ва унинг номзодини кўрсатган делегат менинг синфдош ўртоқларим эканлигини таъкидлаб ўтмоқчиман. Токи, ушбу мақолага назари тушган давлат хўжалиги ёки ноҳия раҳбарлари (асосий масала бир четда қолиб) ўз танишлари ҳақида ёзибди, деб юрмасинлар. Мен кимнингдир ёнини олмоқчи эмасман... Балки, эндиги сайловда ҳақ ўз ўрнида қарор топар, деб ўйлагандим. Афсус...

Энди бирор нажот кутиш мумкин бўлган, агар хоҳласа амалий ёрдам бериш қўлларидан келадиган киши, Хатирчи ноҳиясидан СССР халқ депутатлигига сайланган опамиз қолганди... Уйда синглим гапириб қолди. «Ака, шу қайта қуриш деганларингиз, биз тарафларга қачон етиб келаркин-а? Кеча жамоа хўжалигимиз клубида икки қўшни жамоа хўжалиги фермасининг қизлари «Қувноқлар ва зукколар» беллашувини ўтказдилар. Биттасига депутат опамиз команда капитани экан... ютиб кетишди». Менга синглимнинг ўксиниб гапиргани, қайта қуриш бўладиган нарсами, деган саволдек туюлди... Кейин ўша беллашувда томошабин сифатида қатнашган баъзи ёшлар билан суҳбатлашишга ҳаракат қилиб кўрдим. Фикрлар асосан бир хил; «Ҳакамлар бир томонга ён босишди. Ажрим ноҳақ!» Ўша беллашувда ноҳақликка йўл қўйилдими ёки йўқ бирор нарса дея олмайман-у,—аммо ноҳиямиздан мамлакат Олий органига мухтор вакил қилиб кўрсатилган, мамлакат парламенти аъзоси бўлган опамизнинг, бугунги, мамлакатимиз ҳам сиёсий, ҳам иқтисодий инқирознинг юкидан ҳориб турган бир маҳалда, комсомол ёшларнинг ўйинларига аралашиб, ўз фермалари «шарафини» ҳимоя қилиб юришлари, қандайдир эриш... алам қилар экан кишига. Тўғри, шу ферма жамоасига аъзо сифатида, опанинг бу беллашувда қатнашишга ҳақлари бор, албатта. Мен ҳам буни инкор қилмоқчи эмасман. Бироқ, кишида МАСЪУЛИЯТ деган тушунча ҳам бўлиши керак-ку, ахир! Сенга ишониб мамлакатнинг Олий органига вакил қилиб сайлашибдими, ҳеч бўлмаса ўша сайловчиларинг ишончларини оқлаш лозим. Қолаверса, опа аёл, она сифатида ҳам, (Опамизнинг номзодлик, депутатлик дастурларида ҳам «Оналик ва болаликни ҳимоя қилиш» биринчи режа!), қишлоқ аёлларининг турмуш шароитларини маданий, маиший, у ҳам бўлмаса оддийгина инсоний томондан юксалишига ҳисса қўшиш қўлларидан келади-ку! Ахир шу халқ опанинг қўлларига ваколат бериб қўйибди, истаган ерда халқ номидан гапириш ҳуқуқлари бор. Бу ваколат, ҳуқуқ (Опа мени кечирсинлар-у!) Москвага бориб овоз бериб қайтиш ёхуд ўйнаб келиш учун берилмагандир!... Биламан, агар опа ушбуни ўқиса ўзларини оқлаш учун етарли маълумот топа биладилар...

Хатирчиликлар бу йил ҳам Ўзбекистон Халқ депутатлигига уч кишини сайлашди. Номзодлардан бири сайловолди учрашувларининг бирида (яна айнан Олтинсой давлат хўжалигида!), ноҳияга самолёт «қўндираман» деб юборибди. Менинг фикри ожизимча, хатирчиликларга аэропортдан ҳам зарурроқ, тезда ҳал қилиниши шарт бўлган, муаммолар ҳақида жон койитадиган депутат бўлса, ёмон бўлмасди. Яна ким билади дейсиз... Бош омон бўлса кўрармиз...

Момом энди чевараларига «эртак» айтади: «Учар гиламлар... ажойибхоналар... музқаймоқлар мамлакати...»

ШАЙТОН ЧЕВАРАЛАР эса, кўча юзидан автобус овози эшитилиши билан югуриб кетишади. Саккиз чақирим кузатиб қайтишгач, «эртак»нинг давомини эшитишга ўтиришади. Уларни ҳам тушуниш керак. Қандайдир тасаввурингга ҳам сиғмайдиган «музқаймоқ» ҳақида «эртак» эшитгандан кўра автобусни томоша қилган яхши эмасми?... Уларга қараб юрагим эзилиб кетади... йиғлагим келади... Улар тенги болалар (чет элни қўйиб турайлик!) шаҳарда қандайдир янгиликлар устида бош қотириб, бўш вақтларида ажойибхоналарда юришса-ю... Ё қишлоқ болаларининг бирор ери каммикин-а?!... Қолаверса, бундай қишлоқлар жумҳуриятимизда битта-иккитамикин-а?!..

СИЗ НИМА ДЕЙСИЗ, АЗИЗ МУШТАРИЙ?!!

Ислом ҲАМРО,
«Ёш ленинчи» мухбири.

Дамқишлоқлар

Сиз севган қўшиқ

«Қўшиқларим— юрагимнинг бўлаклари»

«Ёш хонанда Азимжон Муллахонов ижро этаётган қўшиқлар бизга манзур бўляпти. Хонанда ҳақида маълумот беришингизни ва унинг «Эркам мени унутмадингму?» қўшиғи сатрларини эълон қилишингизни сўраймиз.

Д. СУЛТОНОВА, Г. СИДДИҚОВА.
Тошкент, вилояти, Янгийўл ноҳияси,
Ҳ. Турсунқулов жамоа хўжалиги».



Мухбиримиз Арофат МИРМУҲАМЕДОВА. Азимжон Муллахонов (суратда ўнгда) билан учрашиб суҳбатлашди.

— Юракда қуёш тафти: у меҳр-муҳаббат ҳарорати билан йўғрилган. Шу дақиқа кимдир сизни соғиниб, йўқлаб келишини эмас, балки кимнингдир, кимларнингдир ҳузурига кириб боргингиз, меҳру муҳаббатингиз билан қалбларни мунаввар этгингиз келади.

Ҳар сафар янги қўшиқ яратиш олдидан шундай ҳолатга тушаман, — дейди хонанда.

— Ҳар бир даврнинг ўз умрбоқий санъаткорлари, қўшиқлари бўлади. Лекин, эътироф этиш кераккки, бирданига «ярқ» этиб кўзга ташланиб, сўнг эл назаридан четда қолаётган санъаткорлар ҳам йўқ эмас. Санъатга кириб келаётган ёш хонанда сифатида сиз бу ҳақда нима дея оласиз?

— Умримиз тасаввур этганимиздан ҳам сермаъно. Ҳали гўдак эканлигимиздаёқ халқимизнинг улкан муҳаббати туйғуларимизга сайқал бера бошлайди. Болаликда эшитганларимиз Навоий, Машрабу Ҳофиз ғазаллари, оналаримиз айтган қўшиқларни эслайлик. Уларни қўшиқ деб аташнинг ўзи камлик қилади. Улар — даврнинг тугал ифодаси, тугал меҳри, соғинчи, орзу, армони. Бу мусиқий хазиналар халқдан халққа, авлоддан-авлодга бой маданиятимизнинг меваси сифатида ўтиб бораверади. Халқнинг дилига йўл тополмас экансан, барча ҳаракатларинг зое кетаверади.

— Миллий қўшиқларни кам ижро этаётгандек кўринасиз, назаримда.

— Миллий қўшиқларни идрок этиш, маънавий тушуниш учун, менимча, узоқ муддат тайёргарлик зарур. Хабарингиз бўлса керак, яқинда «Камолот-89» конкурси бўлиб ўтди. Унда миллий қўшиқ борасида ҳали ўзимни етук деб ҳисобламаганим учун қатнашмадим. Абдулла Маъруфов, Равшан Имомов, Улуғбек Отажонов, Иосиф Мушеевлар билан биргаликда «Тарона» ансамблини туздик. Тез кунларда тингловчилар ҳукмига миллий қўшиқлар ҳавола этиш ниятидамиз.

— Санъат оламига қандай кириб келдингиз?

— Ёшлигимда Онам — Фароғат Раҳматова мени Муқимий театрига олиб борардилар. Таниқли артистлар, хонандалар билан кунларим завқли ўтарди. Кунлардан бирида ансамбль Қашқадарё вилоятининг Яккабоғ ноҳиясидаги пахтакорлар ҳузурига концерт қўйишга борди. Шунда созанда Баҳодир Саидов қаттиқ бетоб бўлиб қолганлиги сабабли созини чала олмади. Уни амлаштиришга мусиқадан хабардор бошқа созанда йўқ эди. Шунда тезлик билан бадиий совет тузилиб, мени синовдан ўтказишди. Қарабсизки, тасодиф туфайли биринчи бор мухлислар олдида 14 ёшимда соз билан чиқдим. Бу менинг бахтли кунларимдан бири бўлиб қолди.

— Қўшиқчининг ижоди серқирра, ранг-баранг бўлади. Бирида бахт-шодлик ифодаланса, бирида ғам-андуҳ, дард-алам, изтироб, ташналик. Назаримда, қўшиқларингизнинг аксарияти сўзи ҳам, куйи ҳам бир хил — дардли, мунгли. Шеър танлашда кўпроқ нималарга эътибор берасиз?

— Мен шеърни эмас, шеър мени танлайди, десам ҳайрон бўлманг. Кўпинча бўш вақтларимда шеърий китобларни мутолаа қиламан. Баъзи шеърларни ўқиганимда куйи ўз-ўзидан пайдо бўлади.

— Яратган қўшиқларингизни мукаммал, деб биласизми?

— Қўшиқларим — юрагимнинг бўлаклари. «Жафо қилурсиз», «Ўтмиш», «Изланганим», «Ўтиниш», «Суҳбатингга ташнаман», «Ўзингмасму?»... Бу қўшиқларимнинг бари менинг изтиробларим, кечинмаларим, изланишларим маҳсули.

ЭРКАМ МЕНИ УНУТМАДИНГМУ?..

ШУҲРАТ шеъри

А. МУЛЛАХОНОВ мусиқаси

Ойлар ўтди бедор,
бешафқат,
Эркам мени унутмадингму?
Хаёлимда ҳамон сен
фақат
Эркам мени унутмадингму?
Баҳор келса гулда
кўраман,
Сен хуш кўрган йўлдан
юраман,
Баъзан қирдан, чўлдан
юраман,
Эркам мени
унутмадингму?
Ғозлар учса, қўлга
боқаман,
Турна учса, йўлга
боқаман,
Дилим ёнса, гулга
боқаман,
Эркам мени
унутмадингму?
Гулим қўлда сўлмасидан
кел,
Дўсту душман кулмасидан
кел.
Ишқинг дилда
сўнмасидан кел.
Эркам мени
унутмадингму?



Ниҳоят, орзу ушалди. Булунғур ноҳияси Ҳ. Олимжон номли давлат хўжалиги аҳли бўш вақтларини кўнгилли ўтказиш имкониятига эга бўлдилар. Хўжаликнинг 2-бўлим марказида барпо этилган бу боққа «Наврўз» деб ном беришди. Боғда турли байрам, халқ сайиллари, спорт мусобақаларини ўтказиш, маданий дам олиш, ҳордиқ чиқариш учун ҳамма қулайликлар муҳайё. Айниқса, хўжалик ёшлари бундан бехад хурсанд.

Т. ДАВЛАТОВ сурати.

МИНОРАДАН ТАРАЛГАН БОНГ

Занги Ота бир қарашда ғалати номга ўхшайди. Маҳаллий кексалар билан суҳбатдош бўлсангиз, қишлоқ номининг тарихи ҳақида билганларича қўшиб-чатиб сўзлашади.

...Эмишки бир замонлар ҳозирги қишлоқ ўрнида кенг яйловлар, сойликлар, ўрикзорлар, алпқомат тераклар бўларкан. Аҳолиси камлигидан унда-бунда лой томли пастак уйлар кўзга ташланаркан, холос. Бу пахса деворлар ортида яшовчи ҳамқишлоқлар баҳоли-қудрат умр кечиришаркан. Бунда ночор, лекин закий бир чўпон бор эканки, у чорвасини ўтлатгани тонг саҳардан узоқ-узоқдаги яйловларга олиб кетаркан. Чўпон қуёшнинг ўткир тиғи остида юравериб, бағоят қорайиб кетибди. Сўнг у шу тариқа «Занги» деган ном олибди. Чўпон кенгликларни яхши билганидан ўзга юртлардан келган мусофирларга йўлбошчилик қиларкан. Унинг довруғи ёйила борибди. Йиллар ўтибди-ю, лекин Занги фарзанд кўрмабди, сочлари оппоқ тусга кириб, қарилик бўйнига олса хамки, тирноққа зор бўлиб қолаверибди. Сафарлари қариб, фарзандсизлик доғида чўпон ўз аёли билан боқийга рихлат этибди. Оддий халқ уларни ерга қўйишибди. Шундай қилиб, Тошкентнинг биқинида Занги Ота қишлоғи пайдо бўлган, деган афсоналар юради. Занги чўпон дафн қилинган жойда эса Занги Ота қабристони вужудга келганмиш.

Дарҳақиқат, Занги Ота қишлоғида шу номли қабристон бор. Айтишларича, аввалари Занги Ота қишлоғининг табиати гўзал, ўрикзорлар, жийдазорлар, яланглиқлар бўлган. Ҳозир буларнинг учдан бирини топиш мушкул. Қишлоқни айланиб жийда дарахтини учратиш даргумон. Нафақат жийда, бошқа соя-салқин ташлаб турадиган дарахт турлари ҳам йўқ ҳисоб. Устига устак катта йўл кенгайиши натижасида қанчадан-қанча қайрағочлар, толлар, тераклар илдиз-пилдизи билан қўпориб ташланганди.

Ён-веридаги дарахт тўнгакларга айланиб кетаётгандек, қушлар соқов, одамлар кўру-кар бўлиб қолгандек, сойларда сув ниқоланаётгандек туюлиб, бўғзингга бир нима тиқилади. Тўсатдан Занги Ота қишлоғида мавжуд бўлган биттаю битта энг баланд минорадан туриб, бонг ургинг келади. У томон югурасан...

Мирзаумар ХАЛИЛОВ.

«Қонун қонун посбонининг қўлидаги резинка — ўзи истаганча чўзиб-қисқартириб олаверади».
(Аламзада арвчининг хулосаси).

АСФАЛЬТ

ЕКИ ЗОМИНДА ЖИНОЯТ ИШИНИ БЕКОР ҚИЛИШНИНГ АНТИҚА ТАЖРИБАСИ ҲАҚИДА

БАҲОДИР агар ҳаёт бўлганида, бу йил мактабни тугатар эди, баҳодирлар сафига қўшилиб мустақил ҳаётга қадам қўйган бўлур эди. У эса йўқ. Тасодиф, автоҳалокат уни дўстлари даврасидан юлиб олиб кетди. Икки йил аввал, 1988 йил 25 май куни.

Яқинда Хотира кунида Қумрихон опа ўғлининг тепасига борди, қабрдан униб чиққан яшил майсаларни тартибга солди, хас-хашакдан тозалади, Сўнг, Баҳодири суратига узоқ термулди. Шамол рўмолини суриб, қирққа бормай оппоқ оқариб кетган сочларини очди — гўё Баҳодирга кўрсатмоқчидай. Бўронбой ака, лаблари беихтиёр пичирлаб бошлаган аёлини икки тирсагидан оҳиста тутиб турғизди, қабристондан ташқарига етаклади. Йўқ, онаизор кетолмади, олисдан ўғлининг қабрига тикилиб қабристон чеккасида анча ўтирди. Бўронбой ака ҳам тек тураверди, тураверди... Худди уларнинг қабр олдидан кетишини кутгандек, Баҳодирни йўқлаб бирин-кетин қиз ва йигитчалар — синфдошлари унинг тепасига боришди, ранг-баранг гуллар қўйишди. Бири рўмолчасига, бири кафтининг орти билан кўзларини суртаётган болаларни кўрган ота ва она унсиз фарёд чекарди, кўзлардан дув-дув ёш қуйиларди.

— Анави қорача, тўладан келган йигитга яхшилаб қаранг, — деди Қумрихон опа, — ўша бу ерга биринчи келиши. Онаси айтди: «Болам уф тортиб юрагини чангаллайверади, Баҳодир ўлгандан бери шунақа бўлиб қолдим, негалигини айтолмайман дейди». Машина кабинасида Зокирнинг ёнида шу бўлган шекилли, ўша уларни билан қариндош.

Бўронбой ака ҳеч нима демади, чуқур уҳ тортди, аламли ўйга чўмди.

Йўқ, уни кайф билан машина ҳайдаб жигарбандининг ўлимига сабаб бўлган Зокирнинг ҳамон уларни мазах қилгандек кўз ўнгида у ёқдан-бу ёққа ўтиб юрганини ҳам кўра-кўра, кўпроқ қонуннинг оёқости қилинаётгани ўртади. Қонун посбонлари, неча йиллаб бир дастурхон атрофида ўтиришиб келаётган оила бошлиғи номаълум ёққа оғиб кетиб, унинг ҳаётини, ўғлининг руҳини топтаётганига чидаёлмас эди.

...Дастлаб ҳаммаси қонуний бўлди. Кейин, нимадир рўй берди-да, ноҳақлик бир кун ишни чаппасига айлантириб юборди: халқ суди 7 йилга озодликдан маҳрум этган Зокир Рўзиқулов ҳибсдан озод бўлди, жиноий иш бекор қилинди.

Ўзи нима гап?

1988 йил 24 май куни кеч соат 22 дан ўтганда Зомин ноҳиясидаги Ульянов шаҳрида автоҳалокат рўй берди. 93—37 ДДВ давлат номерли ГАЗ—53 юк машинаси рўпарадан келаётган велосипедчини чап қаноти билан уриб юборди. Ҳайдовчи аввалига тўхтамай жўнаворди, бирнеча дақиқадан сўнг қайтиб келди. Ҳайдовчининг ёнидаги йигит қаттиқ жароҳатланган ҳушсиз велосипедчини суяб ўтирғизаётган икки кишидан унинг аҳволи қанақалигини сўради. Улардан бири «дуруст» (жиноий ишдаги кўргазмада «ничего» — Ҳ. О.) деб жавоб қилгач, жабрланувчини машинага ўтқазиб, касалхонага олиб кетишди. Баҳодир эртаси куни ҳушига келмай оламдан ўтди.

Зомин ноҳияси ички ишлар бўлими терговчиси, милиция капитани А. Маҳкамов 1988 йил 26 май куни ушбу ҳодиса бўйича жиноий иш қўзғатиб, тергов олиб борди. Маълумки, автоҳалокатда ҳодиса содир бўлган жойнинг чизмаси, ҳайдовчининг кўча ҳаракати қоидасини бузган-бузмаганлиги, ҳодиса рўй берган пайтда ҳайдовчи ҳушёрми ё маст эканлиги кабилар муҳим аҳамият касб этади ва бу омиллар ишнинг қандай якунланишини белгилайди. Мазкур ишда бу ҳолатларнинг ҳаммаси ҳайдовчининг зарарига ҳал бўлиши керак эди. Шундай бўлди ҳам. Ҳужжатлар бу гапни тасдиқлайди. 1988 йил 25 май куни тузилган протоколдан: **«Машинанинг олдинги буферининг чап томони сирғаниш излари тирналганга ўхшаш 16 см узунликда, машинанинг шу жойида велосипеддан қолган кўк рангги изолента қолдиғи ва оқ рангли краска излари бор. Чап томон фаралари синган, фарада 6 шиша осколкалар бор. Олдинги чап қанотнинг олдин томонига урилган натижасида ичига кирган жойи бор. Кенглиги 27 см, узунлиги 55 см».**

Ҳалокатни кўрган эр-хотин Саломатинларнинг гувоҳ сифатидаги кўргазмалари бор.

Ҳайдовчи З. Рўзиқуловнинг ўз қўли билан ёзган кўргазмасидан: **«Мен машинани уйда сақлаганимда сабабки, инженерди машинаси ремонтда эди, шунинг учун мени машинамга пиркаэ чиқариб қўйган, шунинг учун мен машинам уйда турарди». «Воқеа жойида йўлдан кечирилгандан кейин ўлчаниб схемаси тузилганда мени бошқарувимдаги машина йўлнинг ўқ чизиғи 25 см чап томондаги қарама-қарши йўналишга ўтиб кетиб велосипед содир қилганлигимни тўлиқ инкор этаман».**

1988 йил 24 май кунги медицина экспертизасининг хулосаси: **«Рўзиқулов Зокир, туғилган йили — 1962. Ульянов йўл-қурилиш бошқармасида шофёр. Ҳолати — тебранувчан. Мастлик даражаси — енгил. Врач Уролов».**

Тошкент суд-экспертиза илмий-текшириш институти суд экспертининг хулосасидан: **«Мазкур йўл вазиятида автомобиль ҳайдовчиси ҳаракат учун хавф туғилган ондаёқ бошлаб кўча ҳаракати қоидаларининг 11.1 бандининг II қисмига амал қилиши керак эди. 15 июль 1988 йил».**

Айблаш фикридан: **«Ҳайдовчи Рўзиқулов З. кўча ҳаракати қоидаларининг 1, 2, 1.6, 3.6 ва 11.1 пунктининг II қисмини қўпол равишда бузиб, яъни транспорт воситасини ўнг томонлама ҳаракат қоидасини бузиб, йўлнинг ўз йўналиши бўйича чап томонига ўтиб, яъни 25 см ўтиб кетиб, йўлда ҳаракатга хавф туғдириб ва автомашинани маст ҳолда спиртли ичимлик ичиб бошқариб, автомашина тезлигини камайтиришнинг ва тормоз бериш йўли билан хавфнинг олдини олиш имконияти бўлса-да, қаршисидан келаётган велосипедли Жониқулов Баҳодирни автомашинани олд чап буфери билан уриб юбориб, авария содир қилади».**

Айблаш фикрини терговчи А. Маҳкамов ёзган, Зомин район прокурори, 2-класс юристи С. Нурқосимов тасдиқлаган.

Сўнг суд. Етти йилга озодликдан маҳрум этиш тўғрисида ҳукм. Ҳақиқат қарор топгандек. Маст ҳолда машина бошқаришнинг ўзи жиноят. Рост, бу қонунда «жиноят» деб эмас, «қоидабузарлик» деб аталади ва у маъмурий йўл билан жазоланади. Бироқ, ёзилмаган қонунлар-чи? Инсон учун сув билан ҳаводек зарур бўлган ахлоқ-одоб, ўзгалар ҳаёти учун масъулиятни ҳис этиш қонунлари-чи? Тартиб-интизом қонунлари-чи?

Эътибор берсангиз, мана шу ёзилмаган, бироқ, ақли расо ҳар бир инсон учун аниқ-равшан бўлмиш мана шу қонунларнинг бузилиши, унга амал қилмаслик оқибатида юқоридаги ҳодиса келиб чиқди ва бу ҳодиса оқибатида она-ота ўн олти йил асраб-авайлаб тарбиялаган, энди ҳаётнинг дастлабки гулларини ҳидлаш ва яшаш завқини туйиш бўсағасида турган бир ўсмир — Инсон ҳаётдан кўз юмди! Менга қолса, ушбу жиноятнинг боши «Бўстонводстрой» трести ва унинг Ульяновдаги йўл-қурилиш ремонт бошқармасининг раҳбарларида, деб биламан. Ахир, бутун бошли бир юк машинасини бош инженер Борис Стаховга хизмат машинаси сифатида бериб қўйиш, юмшоқ айтганда, ўтакетган хўжасизлик эмасми?! Шофёр Янгиер шаҳрига бориб Стаховни ишга олиб келаркан, куни билан олиб юраркан, ишдан сўнг яна Янгиерга — бир неча ўн километрга элтиб қўяркан. Машина ҳар ўн километрга 3—4 литр бензин ейди, бу аҳволда кунига камида юз чақирим йўл босилади. Демак, ҳар куни 30—40 литр бензин кетади, қанчадан-қанча иш бажариши мумкин ва зарур бўлган юк машинаси кичик бир мотоцикль вазифасини бажариб умри бекор ўтади. Бунга қўшимча — шофёр Рўзиқуловга маош тўланади. Ё тавба! Биринчидан, бундай иш услуби ва бундай тўралар қўлида Совет ҳукумати аллақачон гадо бўлиб қолмаганига шукроналар айтгинг келади...

Бир тартиббузарлик иккинчисини туғдиради. Машинани гаражда эмас, уйида сақлайдиган Зокир кўнглининг кўчасига келган ишни қилди. У ҳушёр бўлганида, тўппа-тўғри йўлда рўпарасидан — қарши ҳаракат йўлида келаётган велосипедчини вақтида кўрган ва ҳалокатнинг олдини олган бўлар эди. Олди олинмади. У маст эди. Ҳатто тормоз бермади. Схемада, бошқа ҳужжатларда «тормоз йўли» йўқ. Энди, айрим қонун посбонлари буни, яъни «тормоз йўли» йўқлигини ҳам «исбот—далил етарли эмас» жумласига қўшиб, ҳайдовчининг фойдасига зикр этиш пайидан бўлишмоқда. Қонун резинка, дегандек...

Сирдарё вилоят (Жиззах вилояти билан бирлашган пайтда — Ҳ. О.) прокурори А. Сухаревнинг имзоси билан 1988 йил 24 ноябрда Сирдарё вилоят суди президиумига назорат тартибида протест ёзилди. Халқ суди ҳукмини бекор қилиш ва ишни қўшимча терговга юбориш тўғрисида. Ишнинг чаппасига айланиши мана шу жойдан бошланди. Рост, вилоят прокуратураси ишни бекор қилиш бўйича кўрсатма бераётгани йўқ, айрим ноаниқликларни аниқлаш учун қўшимча тергов зарур деб топипти. Бу қонуний, тўғри. Балки, Рўзиқуловга берилган «7 йил кўп» деган фикрга борилган бўлса, бу ҳам қонуний ва тўғридир. Бироқ, прокуратуранинг қуйи органларида ҳали ҳам қайта қуриш нималигини, мустақиллик нималигини билмай «катталарнинг оғзига қараб турадиган, юқори орган оқни қора деса, ҳеч йўлоқ ўтирмай тасдиқлайдиган тасдиқчилар ўтирган бир пайтда иш чаппасига айланиб кетиши ҳеч гап эмас экан.

Сирдарё вилоят суди президиуми 1989 йил 11 январдаги қарори билан протестни қаноатлантириб, ишни қўшимча терговга жўнатди. Шу орада, ишга жумҳурият Ички ишлар вазирлиги аралашди: **«7 февраль 1989 йил. 2565-жиноий иш бўйича Кўрсатма. Сирдарё вилояти ижроқўми ички ишлар бошқармаси тергов бўлимининг бошлиғи, милиция майори Р. ВИШНЯКОВга... Айни пайтда, 1. 06. 88 да Рўзиқуловга ЎзССР ЖКнинг 208-моддаси II қисми билан айб эълон қилаётиб, терговчи Маҳкамов уни айблайдиган ҳеч қанақа далилга эга эмас. О. П. КУЗНЕЦОВ, ЎзССР ИИМ тергов бошқармаси тергов бўлими бошлиғининг ўринбосари».**

Бунга куласизми, куясизми?

Мен бу масъул ўртоқ «дело» билан танишиб, ушбу хулосани ёзганига ишонгим келмайди. Йўқса, юқоридаги айтилганларни такрорлашга мажбурман: схемада юк машинасининг қарши ҳаракат йўлига 25 см. ўтиб кетгани далил эмасми, суд-техника экспертизасининг ҳайдовчи айбини тасдиқлагани далил эмасми, машина фарасининг сингани, қанотининг қийшайгани, унга велосипед бўёғининг ёпишгани далил эмасми, гувоҳлар далил эмасми, ҳайдовчининг ўз айбини бўйнига олган ёзма кўргазмаси далил эмасми? Унинг мастлигини тасдиқлаган Акт далил эмасми? Ниҳоят, бундай бадмастлик қурбони бўлган Б. Жониқулов далил эмасми?

Ҳаётда эса юқоридаги Кўрсатма ўз кучини кўрсатади: ишни қўшимча терговга қабул қилиб олган Зомин ноҳия ички ишлар бўлими терговчиси Н. Элчибоев эртасига — 8 февралда Рўзиқуловни «тезда ҳибсдан озод қилиш» тўғрисида қарор чиқарди. Озод этилди.

Янги терговчи янги экспертиза тайинлади. Суд эксперти У. Эшонқуловнинг 2 март 1989 йил № 58/16 хулосаси ҳам ҳайдовчининг айбдорлигини тасдиқлаб турибди. Ҳатто автомобилнинг қарши ҳаракат йўлига чиққан қисми аввалгидек 25 см эмас, балки 60 см экани таъкидланган.

Бу хулосадан сўнг терговчи Н. Элчибоев нима қилди?

Хулосани бир тийинга олмади. Эртасига, 22 март куни «жиноят содир қилиш ҳолати ўзгарганлиги сабабли иш юритишликдан ётқизилсин» деб қарор чиқарди. Бу қарорни прокурор Нурқосимов тасдиқлади.

Иш «ётди».

— Аввал айблаш фикрини тасдиқлагансиз, энди айбсиз деган қарорни тасдиқлаяпсиз, буни қандай тушуниш керак? — савол бердим С. Нурқосимовга.

— Юқоридан қайтаришгандан кейин нима қиласиз? — дея жавоб берди у.

— Мустақил фикр, принцип деган нарсалар ҳам бўлиши керак-ку прокурорда?

— Дело судга ўтса биз ҳам хурсандмиз.

«Дело» эса ҳали судга ўтганича йўқ. Ўтиш жараёнида. Бу жараёнга етгунча эса... Зомин ноҳияси прокурори вазифасини бажарувчи А. Турсунов 1989 йил 30 июнда 22 мартдаги «ётқизиш» қарорини бекор қилиб, қўшимча терговни яна Н. Элчибоевга юклаш тўғрисида қарор чиқарди. Элчибоев 1989 йил 31 июлда яна ЎзССР ЖПКнинг 5.7 моддаси билан «ётқизиш» ҳақида қарор (буни ҳам С. Нурқосимов тасдиқлаган) ёзди. Бу қарорни латифа ўрнида ўқисангиз ҳам бўлади: **«Жиноий воқеа содир бўлган пайтда йўл шағал билан қопланган, эндигина асфальтланаётган бўлиб, эндиликда қўшимча тергов мобайнида ушбу кўча иккала томонига лоток-ариқ ётқизилиб, тўлиқ асфальтланган ва шу билан жиноят содир қилиш ҳолати ўзгарган».**

Зоминлик ҳайдовчиларни фалокатдан асрасину, агар мабодо фалокат рўй берса, дарров йўлни асфальтлаб юборгин — жиноий иш ҳам «асфальтланиб» кетар экан...

Лекин бу жуда олқиш «асфальт» эди, шунинг учун у бузилди: вилоят прокурорининг ўринбосари А. Цирк имзоси билан 1989 йил 1 ноябрда жиноят ишини ётқизиш тўғрисидаги қарорни бекор қилиш тўғрисида қарор чиқарилди. Иш қўшимча тергов учун Жиззах шаҳар ички ишлар бўлимига юборилди.

Бироқ, бу ерда ҳам тўрт ойдан бери ҳали бир хулоса келингани йўқ. Нега?

— Тергов қилишяпти, — деди бу саволга жавобан тергов бўлимининг бошлиғи, милиция подполковниги О. Алланазаров.

Одилжон ака аввалига «истиқболи йўқ иш» деб ўз муносабатини айтган эди, шунинг учун, биргалашиб иш билан танишиб, бироз фикр алмашгач, чамаси, бояги фикрдан қайтган кўринди. Албатта, ишнинг адолатли якун топиши, яъни ҳақли қарор қабул қилиш уларнинг иши.

Бироқ...

Адолат ҳамиша ҳам қарор топаяптими?

«Ўзбекистон адабиёти ва санъати» рўзномасининг 1989 йил 25 август сонидаги «Норпўлат нега ақлдан озди?» сарлавҳали мақолада ўттиз ёшли йигит олти йилга қамалгани, икки йилдан сўнг жиноий иш бекор қилингани, мажбурий ишламаган даври (қамоқда ўтган) учун маоши ундириб берилгани ҳақида ёзилган, бунинг бош айбдорлари қаторида Зомин ноҳияси прокурори С. Нурқосимов, Жиззах вилоят судининг аъзоси А. Бобобековлар ҳам кўрсатилган эди. Навбатдаги мазкур иш бўйича ҳам Нурқосимовнинг ўзини, Бобобековнинг фамилиясини (ноҳия халқ суди ҳукмини бекор қилган вилоят суди президиуми аъзолари орасида) учратдим. Бегуноҳларнинг қамалишига, гуноҳкорларнинг жазосиз қолишига йўл қўяётган бундай ҳуқуқ посбонлари нега жазосиз?

Бунақада жумҳурият маъмурий органларида қайта қуриш қачон амалга оширилади, қачон ҳуқуқий давлат барпо этилади? Матбуотдаги танқидий ахборотлар рўзнома саҳифаларида қолиб кетаверса, Инсон ҳақ-ҳуқуқларини поймол этаётган, эркинлигидан жудо қилаётган «бракчи» ҳуқуқ посбонларининг брак ишларини кўрган раҳбарлари ўзини кўрмаганга олиб юраверса — ҳуқуқий давлатни кимлар қуриши керак ўзи?

Ҳабибулла ОЛИМЖОНОВ



ЮРИНГ НОНУШТАГА — А. АШУРОВ сурат лавҳаси.

МУШОҲАДА УЧУН МАВЗУ

НАЗОКАТНИ ЙЎҚОТМАЙЛИК

Мен бу сатрларни битишдан олдин, жуда кўп ўйладим. Балки, фикрларим айрим опа-сингилларимга ёқмас. Лекин, ночора, қалбимни кемираётган бу дардни ўртага ташламасам бўлмайди.

Яқинда қишлоғимизга борган эдим, менга бир йигитнинг фожиали ўлимига, ўз отасининг ҳаётдан бевақт кўз юмишига, ака-укаларининг оиласидан қут-барака учишига сабабчи бўлган қиз ҳақида гапириб беришди. Сўраб-суриштириб билсам, Таманно енгил-елпи яшаш йўлига кирган, ўз ҳис-туйғуларини жиловлай олмаслик касалига мубтало бўлган экан. Шунинг учун бўлса керак, уч фарзанди ундан тамомила юз ўгирибди.

Бундан 50—60 йил муқаддам ўзбек хотин-қизлари орасида енгилтаклик деярли бўлмагани, мабодо бир-иккита шундайлар чиқиб қолса, халқимизнинг қаҳрига учрагани, тошбўрон қилиниб, шармандали ўлим топгани ҳақида эшитганларим бор. Бугунги кунда эса енгилтак, суюқоёқ аёллар тобора кўпайиб бораётганини ўйласанг, юрагинг увишиб кетади. Наҳотки ана шундай Таманнолар эл қаҳридан, тирик етим бўлиб қолаётган бегуноҳ гўдаклар уволидан ҳайиқишмаса?

Ўз тилимизни, маданиятимизни, адабиётимиз ва санъатимизни пухта ўрганишимиз билан бирга аёлларимиз иффатли ва назокатли бўлсалар, эркаклар эса инсофли, адолатли бўлсалар нақадар соз бўларди. Шундагина она халқим, ўзбегимнинг боши янада мағрур кўтариларди.

Ҳамрохон ХАТАМОВА.



ЎҒЛИМНИ КЎРГАНЛАР БОРМИ?

Менинг ўғлим — ШЕРМАТОВ Муҳаммаджон шу йилнинг 16 апрель куни кундуз соат тўртларда «Ўратепа-Бекобод» маршрути бўйича қатнайдиган автобусга ўтириб, Бекободга кетиб қолган. Уни автобусда кўрганлар бор экан. Сўраб-суриштириб, излаб бормаган жойимиз қолмади. Бекободда қариндошларимиз яшайди. Лекин уларникига ҳам бормабди.

Муҳаммаджон 1982 йил 29 июнда туғилган. Иккинчи синфда ўқийди. Белгилари: бўйи 110—120 сантиметрлар атрофида, кулчаюзли, кўзлари катта, киприклари қалин, юзида кулгичлари бор. Сочи калта. Уйдан чиқиб кетган куни унинг устида кўк жемпери, қора шими, оёғида кўк красовкаси бўлган.

Ўғлимни кўрганлар бўлса, ўзларига яқин ички ишлар бўлимига ёки қуйидаги адресга мурожаат қилишларини ўтиниб сўрайман: Тожикистон ССР, Ленинобод вилояти, Зафаробод ноҳияси, Комсомол посёлкаси, Гагарин кўчаси, 15-уй.

Бувиҳалима ШЕРМАТОВА.

ТВ

26 АПРЕЛЬ — ПАЙШАНБА

● ЎзТВ I

11.30 «Городецк ҳунармандлари», «Мен севган шаҳар». Телефильмлар. 12.30 «Ўн уч терак кўчаси». Бадиий фильм.

* * *

17.30 Кўрсатувлар тартиби. 17.35 Янгиликлар. 17.40 «Билмасвой саргузашти» туркумидан. «Билмасвой Қуёшли шаҳарда». 2—3-фильмлар. 18.05 «Табиат ва биз». Кинокўрсатув. 18.40 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Нуқтаи назар». 19.30 «Ахборот (рус тилида). 19.50 «Алифбо» сабоқлари». 20.25 Реклама. 20.30 Москва. «Вақт». 21.00 «Бевосита мулоқот». Жиноятчиликка қарши кураш муаммолари ҳақида. 22.00 «Ахборот». 22.20 «Назм ва наво». Бобурнинг дилрабо ғазаллари. 23.30 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II

18.05 «Қуюшқондан чиққанда». Бадиий фильм (Рига киностудияси). 19.20 Реклама. 19.30 «Тошкент» студияси кўрсатади. «Айни ҳаракат пайти» (рус тилида).

ФРУНЗЕ КЎРСАТАДИ:

20.30 Москва. «Вақт». 21.00 «Низомий». Бадиий фильм. 1 ва 2-сериялар.

● МТ I

6.00 «120 минут». 8.00 Футбол. Ўртоқлик учрашуви. Ирландия — СССР терма командалари. Ирландиядан кўрсатилади. 9.45 «Салом, Тулки хола». Мультфильм. 9.55 «Саёҳатчилар клуби». 10.55 Болалар соати (инглиз тили дарси билан). 11.55 Коллаж (реклама, ахборот, эълонлар). 12.00 «Вақт». Янгиликлар телевизион хизмати. 12.30 СССР халқ артисти В. Васильев ижодига бағишланган телевизион фильм премьераси.

* * *

15.15 «Рус рақси». Ҳаваскорлик рақс ансамблларининг концерти. 16.05 Илмий хабарнома. 16.50 К. Хайрутдиновнинг татар халқ қўшиқлари. Қозондан кўрсатилади. 17.15 «...16 ёшгача ва ундан катталар». 18.00 «Вақт». Янгиликлар телевизион хизмати. 18.30 Коллаж (реклама, ахборот, эълонлар). 18.35 «Нодипломатик суҳбатлар». Кўрсатувда Буюк Британия ташқи ишлар вазири Д. Хэлдом иштирок этади. 19.00 1990 йил қўшиқлари. 20.30 «Вақт». Янгиликлар телевизион хизмати. 21.00 Долзарб интервью. 21.15 Хоккей. Жаҳон чемпионати. Чехословакия — Швеция терма командалари. 2 ва 3-даврлар. Швейцариядан олиб кўрсатилади. 23.00 «ТСН». Янгиликлар телевизион хизмати.

МАШАҚҚАТ ВА РОҲАТ



Хоразм вилоятининг Боғот ноҳиясидаги «Коммуна» жамоа хўжалигида ўтган йил баҳорида «Ёш ленинчи» боғига асос солинганидан хабарингиз бор. Экологик ҳалокатлар замонида ўлкамизни боғ-роғларга буриш, пахта яккаҳокимлиги асрига ўт қўйишдек эзгу ишга рўзномамиз биринчилардан бўлиб киришганлигини эслатиб ўтиш керак. Ҳозирда бошқа бир қатор рўзномалар ҳам шу ташаббус ортидан боришяпти.

Баҳор — уйғониш фасли. Деҳқон ўз даласида, боғбонда тиним йўқ. Эл-юртни кийинтириш, тўйғизиш керак. Иқтисоду самара ҳам шу заҳматкаш халқнинг зиммасида. Вақтнинг ҳисоби унутилган. Иш соатлари ҳам...

— Ҳозирча боғимизда саккиз минг тупдан зиёд мевали дарахтлар парваришланаяпти, — дейди боғдорчилик жамоаси бошлиғи Матназар Раҳмонов. — Яқин йилларда мевага кириб қолади. Бу йил яна қўшимча ўн гектарча майдонга олма, узум, нок каби мевали дарахт кўчатлари ўтқазамиз. Яна бир гап: ёшларга раҳмат. Ўтган йили кузда шанбалик ўтказиб, ишларимизга қарашганди. Мана, бугун ҳам аҳд қилиб келишибди. Кўчатлар тагини юмшатиш, токзорни ёввойи ўтлардан тозалашда ёрдам беришга. Биргаликда ишлаб, юртимизни аслий боғзорларга айлантирсак қанийди...

Хўжалик раиси, ёш иқтидорли олим Вахтиёр Раҳимовнинг режалари эса залворли. Аввало яқин йиллар ичида хўжалик бўйича боғзорларни икки юз гектарга етказмоқчи. Бу осон эмас. Қолаверса, шунча мева-чевани сақлаш, қайта ишлаш масаласи бор. Иқтисодий томонини ҳисобга олсанг, мевани сотишдан кўра уни қайта ишлаб, ташқарига чиқарган кўп карра фойдали. Бунинг учун махсус мева сақлагичлар, қайта ишлаш корхоналари зарур.

«Ниятимиз, — дейди В. Раҳимов. — худди шу боғда махсус комплекс бўлишига эришиш. 150 тонналик омбор ва мевани консерва қиладиган комбинат қуриш режамиз бор. Ҳозирда унинг лойиҳаларини ишлатиш ва юқоридан тасдиқлатиш учун ҳаракат қилаяпмиз. Бу ишда биз сайлаган депутатларнинг амалий ёрдамларига таянамиз. Вилоят фирқа қўмитаси аграр бўлимининг мудири В. Иброҳимов депутатимиз сифатида ёрдам беришга ваъда қилган... Яна бир гап...»

Бу гапни биз ҳам биламиз. Маблағ масаласи. Раисининг нияти, рўзномамиз жамоаси режаси — шу боғда «Сабоқ» деб аталадиган кексалар ва ёшларнинг тадрижий таълим-сабоқ масканини қуриш, рўзнома музейини очиш, боғни чинакамига ёшларнинг дам оладиган масканига айлантириш. Ноҳия комсомол қўмитаси жумҳурият комсомол Марказқўмига ёшлар лотереясидан тушадиган маблағ ҳисобига ёрдам беришларини сўраб мурожаат қилганидан хабардормиз. Фақат хўжалик ҳамёнига қараб ўтирмасдан, комсомол ташкилотлари ҳам ўзларининг ҳарна ҳиссасини қўшишса, эзгу ишлар бошламасига асос солинишига кафилмиз.

...Дарвоқе, шанбалик ҳақида ёзаётгандик. Чалғиб кетиб баҳонада ёшлар боғининг юзага қалқиб чиққан муаммоларини ўртоқлашиб олдик. Маслаҳатли тўй тарқамас, деганлари шу.

Яқинда ноҳия комсомол қўмитасининг биринчи котиби Ўктамбой Рўзиев бошлиқ комсомол фаоллари боғда шанбалик ўтказишди. Хўжалик ёшлари ҳам ёрдамга келишди.

Ёшлар баҳорги ишларда боғбонларга қўлларидан келгунча ёрдам беришни кўнгилларига тукканлари сабаб, яқин кунларда яна бу ерга қадам ранжида қилишади... Биргаликдаги ишда чаққон ёшларнинг мадади асқотади. Қарс икки қўлдан чиқади-да...

Рўзимбой ҲАСАН,
«Ёш ленинчи» мухбири.

* * *

Лавҳани ички ишлар бўлими ходими, жамоатчи мухбир Саъдулла Бобоев суратга туширган.

Муҳаррир Жаббор РАЗЗОҚОВ.

«ЁШ ЛЕНИНЧИ»
«Молодой ленинец» орган ЦК ЛКСМ Узбекистана
Издается на узбекском языке.
МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700083, ТОШКЕНТ ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32-УЙ.
ТЕЛЕФОНЛАР: ҚАБУЛХОНА — 32-56-58
ХАТЛАР БЎЛИМИ — 32-54-65.
513500 НУСХАДА ЧОП ЭТИЛАДИ.
ИНДЕКС: 64607

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси.
1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12
Р — 03185.
Д. — 23453.